



Мухолифатдаги Ўзбекистон Халқ Ҳаракати раиси Муҳаммад Солиҳ Тошкентдаги МХХ тергов ҳибсхонасида сақланаётган журналист Бобомурод Абдуллаевнинг ҳибсга олиниши юзасидан қутилмаган баёнот билан чиқди.

Истанбулдаги матбуот анжуманида у Бобомурод Абдуллаевнинг “Усмон Ҳақназаров” таҳаллуси остида мақолалар эълон қилиб келган сирли муаллиф эканини эълон қилди.

Би-би-сига тақдим этилган баёнот матнида, жумладан, шундай дейилади:

“Ҳа, ўтган ҳафта Ўзбекистон Миллий Хавфсизлик хизмати томонидан қўлга олинган камсукум спорт журналисти ўша афсонавий Усмон Ҳақназаровнинг ўзи бўлади! “Сиёсатшунос Усмон Ҳақназаров” имзоси билан чоп этилган мақолалар нафақат интернетни, балки ўзи фош этган Каримов тузуми ва унинг махфий хизматларини ҳам ич-ичидан ларзага келтирди. Каримовнинг ўлиmidан сўнг эса, Бобомурод Абдуллаев яна айна таҳаллус остида СНБ раҳбари Рустам Иноятов ва махсус хизматларнинг коррупцион схемаларини фош этувчи туркум мақолалар эълон қилди. У Ўзбекистоннинг янги президенти СНБ томонидан либерал ислохотларнинг саботаж қилинаётгани ҳақида огоҳлантирди. Бизда айнан шу тизим мамлакатдаги ислохотларнинг асосий душмани эканини тасдиқловчи кўплаб далиллар мавжуд. Бобомурод Абдуллаев мамлакатнинг янги лидерига чин дилдан ишонди ва СНБни фош этиш орқали президентга чириб кетган тузумни қайта қуришда ёрдам бераяпман, деб ўйлади. Бизнинг Бобомурод Абдуллаев СНБнинг тергов изоляторида психотроп моддалар воситасида қийноққа тутилмоқда, деб ишонишга жиддий асосларимиз бор. Бизнинг шубҳаларимиз ушбу изоляторда қийноқларни бошидан кечирган мухолифатчиларнинг кўрсатмаларига асосланган. Биз



## МУҲАММАД СОЛИҲ: БОБОМУРОД АБДУЛЛАЕВ -“УСМОН ҲАҚНАЗАРОВ”ДИР

унинг узоқ муддатга камоққа ташланишидан кўрқмаймиз. Биз унинг ҳаётидан хавотирдамиз. Биз Бобомурод Абдуллаевнинг ҳаёти Абдували Мирзаев, Абдулла Ўтаев, демократ-мухолифатчи Шовруқ Рўзимуродов, ёзувчи Эмин Усмон ва режим ҳамда СНБнинг бошқа мухолифлари ҳаёти каби якун топишидан хавотирдамиз... Ўз мақолаларида Бобомурод Абдуллаев фақат Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг нашрида эълон қилган ва бу билан адолатсизлик ва озодликнинг йўқлигига қарши очиқ мухолифатда эканини таъкидлаб келган эди. Ўтган 14 йил мобайнида у катта босим ва муқаррар ҳибсга олиниш таҳликаси остида яшаб келди. Ва бу содир бўлди”.

Муҳаммад Солиҳнинг “Бобомурод Абдуллаев-Усмон Ҳақназаровдир” деган баёнотини мустақил ёки расмий манбалардан тасдиқлашнинг имкони йўқ.

27 сентябр куни бедарак кетган ва орадан бир кун ўтиб, МХХ томонидан ҳибсга олингани ўртага чиққан журналист Бобомурод Абдуллаевнинг расман нимада гумон қилинаётгани маълум эмас.

Душанба куни мустақил журналист Алексей Волосевич ўзининг манбасига таянган ҳолда, расмийлар Абдуллаевни “Усмон Ҳақназаров” деб гумон қилаётгани

ҳақида ёзган.

Инсон ҳақлари фаоли Суръат Икромовнинг айтишича, МХХ журналистнинг аёлига мустақил адвокатдан воз кечиш борасида босим ўтказган.

Бобомурод Абдуллаевга давлат томонидан адвокат тайинлангани-тайинланмагани номаълум.

Якшанба куни Бобомурод Абдуллаев устидан Юнусобод туман судида соат 11 га белгиланган санкцион маҳкама аввалига қолдирилгани, кейин эса шу куни тушдан сўнг бўлиб ўтгани хабар қилинган.

Англашилича, маҳкама журналистни ҳибсда қолдириш ҳақида қарор чиқарган.

Журналист МХХ ва ИИВнинг тезкор амалиёти натижасида қўлга олинган.

Бобомурод Абдуллаев устидан тергов ҳаракатлари жуда ҳам махфий тарзда олиб борилаётгани айтилади.

“Усмон Ҳақназаров” таҳаллуси остидаги мақолалар илк бор интернетда 2003 йилда пайдо бўлган.

Муаллиф марҳум президент Ислоҳ Каримовнинг норасмий таржимаи ҳоли, соғлиги ва ҳокимиятнинг юқори

(Давоми кейинги саҳифада)

*(Давоми: Боши олдинги саҳифада)*

эшелонларидаги коррупция ҳамда мамлакатдаги сиёсий репрессияларга доир рус тилидаги мақолаларни чоп этиб келган.

Аммо ҳозирга қадар “сиёсатшунос Усмон Ҳақназаров” даъво қилган ҳолатларнинг биронтаси на расмий ва на мустақил манбалардан тасдиқланган эмас.

Ўзбек расмийлари ва расмий матбуот ҳеч қачон “Усмон Ҳақназаров”нинг чиқишларига муносабат билдирмаган.

Айни таҳаллус остида мақолалар чоп қилган муаллифга нисбатан қидирув ёки қандайдир тезкор амалиётлар олиб борилгани Би-би-сига маълум эмас.

Шундай бўлса-да, “Усмон Ҳақназаров” нафақат муҳолифат нашрлари, балки мустақил ва хорижий нашрларда кенг иқтибос қилинган.

Шу йилнинг августида ҳатто Ўзбекистоннинг ўзидаги қатор интернет нашрлари “сиёсатшунос Усмон Ҳақназаров”нинг мақоласидан иқтибос келтирганди.

Энг сўнгги мақолаларидан бирида муаллиф Миллий Хавфсизлик хизмати раиси Рустам Иноятовнинг икки оёғидан жарроҳлик амалиёти кечиргани ва “фалаж бўлиб қолгани”ни даъво қилган, аммо орадан икки кун ўтиб, давлат телеканаллари Иноятовнинг Тошкент аэропортида Президент Мирзиёевни кутиб олаётгани ақс этган кадрларни намойиш этган.

“Усмон Ҳақназаров”нинг мақолалари 2003-2004 йилларда Centrasia.ru сайти, ундан кейин эса асосан муҳолифатдаги “Эрк” ва Ўзбекистон Халқ Ҳаракати нашрларида чоп этиб келинган.

Бобомурод Абдуллаев 2000-йиллар бошида “Озод овоз” мустақил веб-сайтига асос солган,

Британиянинг уруш ва тинчликни ёритиш институти (IWPR) муҳбири бўлиб ишлаган.

Охириги йилларда ўзбекистонда футбол журналисти сифатида танилган. Футбол федерацияси ва терма жамоа мураббийларини кескин танқидлари билан ажралиб турган.

44 ёшли Бобомурод Абдуллаевнинг ҳибсга олиниши Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти Тошкентда матбуот эркинлигига бағишланган халқаро анжуман ўтказишга тайёрланаётган пайтда юз берган.

18-19 октябр кунлари Тошкент ташкилотнинг навбатдаги анжуманига мезбонлик қилади.

Би-би-си Бобомурод Абдуллаевнинг ҳибсга олиниши атрофидаги воқеалар ривожини кузатишда давом этади.

**Манба: Би-би-си Ўзбек**



## Озгина танти бўлсангизчи, жаноблар!

Во ажаб!: Бир пайтлар Бальзак “Қонун майда пашшачалар илиниб, йириклари қутилиб қоладиган тўр бўлмаслиги керак” деганида қанчалар ҳақ эди!

Бугунга кунга келиб Бобомурод Абдулланинг зиндонбанд этилишини айтмайсизми? Журналист МХХ ертўласида сўроқ беришга арзигулик қандай иш қилган бўлиши мумкин?

Ҳамкасбимиз Нарзулло Охунжонов эса вояга етмаган 5 нафар фарзанди билан Украина заминидан саргардон, кўргани зиндон бўлди.

Радиожурналистнинг интерпол қидирадиган даражадаги гуноҳи нима эканлигини ҳечам тушунмайман.

Нарзулло ака Ўзбекистонда эканлигида уни пора олишда айблаб жиноят иши кўзғатганларидан хабарим бор.

Билмадим, аслида, бу модда ҳам нотўғри қўйилган. Негаки, Охунжонов масъул мансабдор шахс эмас эди. Унинг ихтиёрида эфирга бериш ҳуқуқи бўлмаган. Эфир фақат бўлим бошлиғининг рухсати билангина узатилган. Аслида масъул мансабдор шахс бўлмаган кишига “пора” моддаси эмас, “товламачилик” моддаси қўйилиши керак... Умуман олганда, журналистдан кир топа олмаган пайтларида “пора” статьясини ёпиштириш Ўзбекистондаги орган ходимлари учун энг сўнгги ИМКОН! Икки минг доллар-а?

Бўлмаган гап!

Нарзулло Охунжоновнинг интерпол қидирадиган биргина оғир гуноҳи борлигини мен биламан: Нарзулло Охунжонов “Мамлакатни ким бошқараяпти?” туркум мақолаларида бугун Ўзбекистоннинг иқтидордаги бош вазири Абдулла Негматович Ариповни, ҳамду уларнинг қудалари ЎзМТРК раиси Алишер Жўракулович Хаджаев жанобларини қаттиқ танқид тиғи остига олган, кирдикорларини фош этган.

Шунинг учун ҳам айтишади-да, “Ўйнашмагин арбоб билан...” деб....

Мамлакатнинг Бош вазирига тил теккизади-ю, оддий бир журналист омон қоладими, интерпол қидирувига берилади-да!

Ҳамкасбимиз 5 боласи билан ватандан айрилибди, озодлигидан ҳам жудо қилманглар энди. Танти бўлинг, ростанам, оддий бир журналистни тинч қўйинг, жаноблар!

Инсон учун беватанликдан оғир мусибат йўқ аслида! Шунингдек кулфатдаги киши бошига яна қандайин жазо қўллаш иштиёқидасиз-а, жаноблар!

Ўзингизга рақиб, ёв деб билган одамларга нисбатан озгина танти бўлсангизчи, жаноблар!

**Малоҳат Эшонқул**  
**facebook.com**

## Журналист Бобомурод Абдуллаев тўғрисида ҳамма нарса “сир тutilмоқда”

Би-Би-Си ўзбек радиосининг хабар беришича, Тошкентдаги Гвардейский, деб ном чиқарган МХХ ҳибсхонасида сақланаётган журналист Бобомурод Абдуллаев суди номаълум муддатга қолдирилди. Журналист тўғрисида барча маълумот сир тutilмоқда.

1 октябр куни Жиноят ишлари бўйича Юнусобод судида Бобомурод Абдуллаев нимада гумон қилинаётгани ва қандай эҳтиёт чораси асосида ушлаб турилиши бўйича маҳкама бўлиб ўтиши керак эди.

Маҳкама Тошкент вақти билан соат 11:00 ўтиши айtilган. Бироқ суд биносида олдида журналистнинг яқинлари, ҳуқуқ ҳимоячилари ва адвокати 2 соат кутиб қайтиб кетишган.

“Ҳеч ким ҳеч қандай маълумот бермаяпти. Бобомурод Абдуллаевнинг иши борасида ҳамма нарса сир сақланаяпти. 2 соатдан ортиқ кутиб қайтиб келдик. Бугун судда журналистга нисбатан айблов эълон қилиниши ва уни ҳибсда сақлаш ёки очиқликка қўйиб юбориш тўғрисида суд бўлиши керак эди. Қонун бўйича шахс ушлангандан кейин 72 соатнинг ичиди бу суд бўлиб ўтиши керак”, – дейди ҳуқуқбон Суръат Икромов.

Журналист Бобомурод Абдуллаев 27 сентябр куни бедарак йўқолганди. Кейинчалик унинг Тошкентда Гвардейский, деб ном чиқарган Миллий хавфсизлик хизмати ҳибсхонасида сақланаётгани маълум бўлган.

29 сентябр куни журналистнинг уйида МХХ ходимлари 4 соат тинтув ўтказган. СНБ ходимлари Бобомурод Абдуллаевнинг яқинларига журналист МХХ ҳибсхонасига йўқолганидан бир кун ўтиб 28 сентябрда келтирилганини билдиришган.

### Ҳамма судья пахтада

Бобомурод Абдуллаевнинг суди бўлиб ўтиши керак бўлган жиноят ишлари бўйича Юнусобод суди ҳакамлари ва барча ходимлари бугун пахтага чиқиб кетгани маълум бўлди.

“Кутиб ўтирган вақтимиз суд биносида навбатчилик қилиб ўтирган милиционер билан гаплашдим. Унинг айтишича, бугун ҳамма судья бошқа ходимлар билан қўшилиб пахта теришга кетган. Лекин одатда якшанба куни фавқулотда ишлар учун у ерда бир судья навбатчи бўлиб ишлайди”, – дейди Суръат Икромов.

Ҳуқуқ ҳимоячисининг Бобомурод

Абдуллаевнинг яқинлари томонидан олинган адвокатга таяниб айтишича, ҳибсга олиш тўғрисидаги суд бу адвокатнинг иштирокисиз ҳам ўтиши мумкин.

“Суд балки бугун, балки эртага яқинлари томонидан олинган адвокатсиз ҳам ўтиши мумкин экан. Давлат томонидан ҳам адвокат тайинланган, ўша адвокат иштирокида суд ўтказилиши ҳам мумкин экан қонун бўйича”, дейди Суръат Икромов.

Бобомурод Абдуллаев Ўзбекистонда футбол журналисти сифатида танилган. Футбол федерацияси ва терма жамоа мураббийларини кескин танқидлари билан ажралиб турган.

Унинг танқидий мақолалари Ўзбекистондаги футболга асосланган веб саҳифаларда чоп қилинган.

У бир вақтлар “Озод овоз” мустақил веб сайтига асос солган. Британиянинг уруш ва тинчликни ёритиш институти (IWPR)нинг Тошкентда мухбири бўлиб ишлаган. Бобомурод Абдуллаев Би-би-сига Ўзбекистондаги муаммоли мавзуларда ўзининг эркин фикрларини бериб турган.

**УХХ хабарлар бўлими**

Би-Би-Си ўзбек радиосининг хабар беришича, мингга яқин Ўзбекистондаги ва хориждаги ўзбеклар Президент Шавкат Мирзиёевдан ёзувчи Нуруллоҳ Мухаммад Рауфхонни озод қилишни сўраб очиқ хат ёзган. “Ёзувчи Нуруллоҳ Мухаммад Рауфхонга нисбатан қилинаётган адолатсизликка ортиқ бардош бера олмаймиз”, дейилади унда.

Facebook орқали тарғиб қилинган ва 904 киши имзо чеккан мактубда 27 сентябр тонгида Истанбулдан учиб келиши билан Тошкент аэропортида қўлга олинган ёзувчини адолатсизликдан ҳимоя қилиш сўралади.

“Аэропортдаёқ кишанлаб, хавфли жиноятчидек нафсониятга тегиш давлатимиз шаънига ярашадими? Бутун дунё жамоатчилиги қулоғи динг турган бир пайтда бўлаётган бу ишлар ҳеч қайси меъёрга тўғри келмайди. “Бу кунлар” асарида тилга олинган оғриқли мавзуларнинг аксарияти ҳақиқат экани энди ҳеч кимга сир эмас”, дейилади мактубда.

Мактубда Мирзиёевнинг маърузаларда адолат, ҳақиқат

## Мингга яқин одам Мирзиёевдан ёзувчини озод қилишни сўради

ҳақида айтадиган “яхши” гаплари эсланади. Лекин, айни пайтда Ўзбекистон бир сиқим сохта ватанпарварларни деб, миллатининг асл фарзандларини йўқотиб қўймаётгани, дея савол берилади.

“Биз Ватанимизда бўлаётган ҳамма воқеа-ҳодисаларни кузатиб, мушоҳада қиламиз. Гувоҳи бўлаяпмизки, қабиҳ ниятли кишилар манфур ишлари билан ҳукуматга, аввалло, халқимиз учун эзгулик эшикларини ланг очиб юборган Президентга ишончсизликни пайдо қилишмоқчи, Сизнинг обрўйингизни тўқишмоқчи. Улар яхши билишади, ҳар бир салбий ҳодисада содда одамлар Президентни айблашини”, дейилади унда.

Тошкент аэропортида ҳибсга олинган Нуруллоҳ Мухаммад Рауфхонга Ўзбекистон Республикаси конституцион тузумига тажовуз

қилиш бўйича жиноий иш очилган.

“Нурулло Отахоновга 11 май куни Жиноят кодексининг 159-моддаси бўйича жиноят иши қўзғатилган. Мазкур жиноят иши бўйича бир қатор тергов ҳаракатлари олиб борилган ва унга нисбатан сирдан 159-модданинг 1-қисми, 244 1-модданинг 3 қисми, «г» банди билан айблов эълон қилинган, эҳтиёт тарзида қамоққа олиш чораси танланган ва у қидирувга берилган”, деган Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари, Тергов бошқармаси бошлиғи Дониёр Тошхўжаев.

Ёзувчи Нуруллоҳ Мухаммад Рауфхон Туркияда юрган вақти “Бу кунлар” китобини чоп қилган.

Китобда Каримов режимдаги муаммолар рўйи рост кўрсатиб берилган эди.

Халқаро ташкилотлар Ўзбекистон ҳукуматидан ёзувчини зудлик билан озод қилишни сўраган.

Ижтимоий тармоқларда Ўзбекистондаги зиёлилар ҳам Нуруллоҳ Мухаммад Рауфхоннинг ҳимоясига турган.

**УХХ хабарлар бўлими**

Би-би-си Ўзбек хизмати хабар беришича, МХХ (СНБ) ҳибсхонасида сақланаётган журналистнинг яқинлари айнан Миллий хавфсизлик хизмати босими остида мустақил адвокатдан воз кечган. Журналист устидан дастлабки маҳкама бўлиб ўтган бироқ унинг нимада айбланаётгани яқинларига маълум қилинмаган.

“Бобомуроднинг хотинига терговчидан босим бўлгани аниқ. МХХ шунақа ишларга уста бўлиб кетган. Оиласига таҳдид қилади. Жим юрсанг тез чиқади, деб алдайди. Шу сабабдан ҳам мустақил адвокатдан воз кечишган”, – дейди инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси Сураат Икромов.

Терговчи журналистнинг оиласига дастлабки маҳкама бўлиб ўтганини ва унга айблов эълон қилинганини билдирган.

Бироқ Бобомурод Абдуллаев яқинларига хануз унинг нимада айбланаётгани борасида ҳеч қандай ҳужжат тақдим қилинмаган. Яқинлари мустақил адвокатдан СНБ босими остида воз кечган.

Журналистга давлат томонидан адвокат тайинланган, бироқ унинг кимлиги ва нима ишлар қилаётганини ҳатто оила аъзолари ҳам билмайди.

Бизга маълум бўлишича, терговчи томонидан Бобомурод Абдуллаевнинг яқинларига очикдан очик таҳдид бўлган.

## МХХ журналист Бобомурод Абдуллаев оиласига босим ўтказмоқда

Журналист иши билан Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати тергов бошқармаси бўлим бошлиғи адлия подполковниги Н. Д Туракулов шуғулланмоқда.

Ижтимоий тармоқларда журналистнинг МХХ (СНБ) томонидан қийноқларга тутилаётгани ҳам айтилмоқда. Би-би-си боғланган манбалар ушбу гапларда жон борлигини айтишди.

27 сентябр куни бедарак йўқолган журналист иши билан МХХ шуғулланаётгани маълум бўлган.

Тошкентдаги Гвардейский, деб ном чиқарган МХХ ҳибсхонасида сақланаётган журналист Бобомурод Абдуллаев тўғрисида барча маълумот сир тутилмоқда.

1 октябр куни Жиноят ишлари бўйича Юнусобод судида Бобомурод Абдуллаев нимада гумон қилинаётгани ва қандай эҳтиёт чораси асосида ушлаб турилиши бўйича дастлабки маҳкама бўлиб ўтиши керак эди.

Ҳуқуқ ҳимоячилари, адвокат ва журналистнинг яқинлари суд жараёнини бир неча соат Жиноий ишлар бўйича Юнусобод судида кутишган.

Бироқ ўша вақт суд бўлмаган.

Суднинг кейинчалик журналист яқинларисиз ёпиқ тарзда бўлиб ўтгани айтилмоқда.

29 сентябр куни журналист уйида МХХ ходимлари 4 соат тинтув ўтказган. СНБ ходимлари Бобомурод Абдуллаевнинг яқинларига журналист МХХ ҳибсхонасига йўқолганидан бир кун ўтиб 28 сентябрда келтирилганини билдиришган.

Бобомурод Абдуллаев Ўзбекистонда футбол журналисти сифатида танилган. Футбол федерацияси ва терма жамоа мураббийларини кескин танқидлари билан ажралиб турган.

Унинг танқидий мақолалари Ўзбекистондаги футболга асосланган веб саҳифаларда чоп қилинган.

У бир вақтлар “Озод овоз” мустақил веб сайтига асос солган. Британиянинг уруш ва тинчликни ёритиш институти (IWPR) нинг Тошкентда муҳбири бўлиб ишлаган.

Бобомурод Абдуллаев халқаро оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистондаги муаммоли мавзуларда ўзининг эркин фикрларини бериб турган.

**ЎХХ хабарлар бўлими**

## Бобомурод Абдуллаев конституциявий тузумга тажовузда айбланмоқда

“Озодлик” радиосининг хабар беришича, ўтган ҳафта Тошкентда хуфёна тарзда ҳибсга олинган 44 ёшли мустақил журналист Бобомурод Абдуллаев Ўзбекистон жиноят кодексининг 159-моддаси, яъни мамлакат конституциявий тузумига тажовуз қилишда айбланмоқда. Тошкентдаги Инсон ҳуқуқлари ташаббус гуруҳи раҳбари Сураат Икромовнинг “Озодлик” радиосига маълум қилишича, якшанба куни Абдуллаев устидан ёпиқ маҳкама бўлиб ўтган. Ана шу маҳкамада журналистга 20 йиллик қамоқ жазосини кўзда тутувчи 159-модда бўйича айблов эълон қилинган.

Абдуллаев Тошкентдаги Гвардейский, деб ном чиқарган Миллий Хавфсизлик Хизматининг

ертўласида ҳибсда ушлаб турилибди.

Дастлаб Абдуллаев Юнусобод туманида юз берган ўғирлик жиноятида гумон қилинувчи сифатида кўрилатгани айтилганди.

Лекин, Сураат Икромовнинг “Озодлик” радиосига айтишича, журналист Ўзбекистон Жиноят кодексининг 159-модда 4-банди бўйича айбланаётганини аниқлаганлар.

–Ҳокимиятни босиб олиш ва Ўзбекистон Конституция тузумини ағдариш учун фитна уюштиришда абланмоқда ва бунинг учун 10 йилдан 20 йилгача қамоқ жазоси кўзда тутилган. Лекин, Бобомуродга нима учун бундай айблов қўйилаётгани номаълум, – деди Сураат Икромов.

Айни пайтда 3 октябр куни Туркиянинг Станбул шаҳрида матбуот анжумани пайти Ўзбекистон Халқ ҳаракати раҳбари Муҳаммад Солиҳ Бобомурод Абдуллаев Усмон Ҳақназаров таҳаллуси остида мақолалар эълон қилиб келган журналист эканини маълум қилди.

–Унинг мақолалари Ўзбекистон халқ ҳаракати сайтида эълон қилинди. Сўнгги 14 йил давомида у Усмон Ҳақназаров таҳаллуси билан мақолалар бериб келди ва биз уларни сайтимизда чоп этиб келдик, – деди Муҳаммад Солиҳ.

Усмон Ҳақназаров таҳаллуси остида Ўзбекистондаги тузум ва Президент Каримов оиласини фош этишга қаратилган мақолалар 2003 йилдан буён эълон қилиб келинган.

Ҳақназаров номи остида интернетда эълон қилинган туркум мақолалар катта шов-шувга сабаб бўлган эди.

(Давоми кейинги саҳифада)

*(Давоми: Боши олдинги саҳифада)*

Муҳаммад Солиҳ Истанбулдаги матбуот анжуманида Ўзбекистон ҳукумати Бобомурод Абдуллаевни озод этишга чақирди.

Қароргоҳи Парижда жойлашган Марказий Осиёда инсон ҳуқуқлари ассоциацияси ҳам Абдуллаев бўйича баёнот берди.

“Биз Ўзбекистон ҳукумати зудликда журналист Бобомурод Абдуллаевни озод этишга, унинг ҳеч қандай тўсиқларсиз ўз фикрини ирод қилиш ҳуқуқини ҳурмат қилишга, очиқ судловни таъминлашга ва унинг олдида адвокати ҳамда яқинларининг киришига руҳсат беришга чақирамиз”, дейлади баёнотда.

44 ёшли Бобомурод Абдуллаев Ўзбекистонда футбол журналисти сифатида танилган.

У 2000 йил бошида “Озод овоз” мустақил веб сайтига асос солган. Британиянинг уруш ва тинчликни ёритиш институти (IWPR) нинг Тошкентда муҳбири бўлиб ишлаган.

**ЎХХ хабарлар бўлими**

## Журналист Бобомурод Абдуллаев Мирзиёев ва Иноятов ўртасидаги зиддият қурбоними?

Муҳолифатдаги Ўзбекистон Халқ ҳаракати раиси Муҳаммад Солиҳ Миллий Хавфсизлик Хизмати (МХХ) қамоғидаги журналист Бобомурод Абдуллаев узок йиллардан буён ўз мақолалари билан жамоатчиликда шов-шув уйғотиб келган аноним муаллиф Усмон Ҳақназаровдир, дея эълон қилди.

Муҳолифатчига кўра, Бобомурод Абдуллаевнинг ҳаёти қамоқда хавф остида қолаётгани учун бугун шундай иқроор билан чиқишга мажбур бўлган.

27-сентябр куни ҳибсга олинган, Ўзбекистон ҳукуматига нисбатан фитна уюштиришда айбланаётган журналист Абдуллаев Усмон Ҳақназаров номи остида ёзилган мақолалар муаллифлигида ҳам гумон қилинаётгани норасмий манбалар томонидан таъкидлаб келинаётган эди.

Муҳаммад Солиҳ дейдики, унинг бундай баёнот билан чиқишига Бобомурод Абдуллаевга нисбатан қўлланилаётган қийноқлар сабаб бўлган.

“Бобомурод Абдулло бугун Усмон Ҳақназаров бўлганлиги учун ҳам қийноққа тугилмоқда. Биз буни бугун билдиришни лозим топдик. Чунки, инсонлар Бобомуроднинг нега қамалганини, нега бу оғир қийноқларга тутилаётганини билиши керак. Бу қийноқлар шунинг учун қилинаптики, Усмон Ҳақназаров 14 йил давомида аввал Каримов режимини, бугун эса Иноятов салтанатини ағдар-тўнтар қилаётган эди. Бугун шунинг ўрни олишяпти, буни Иноятов қиялпти, мен бунга Мирзиёев дахлдорлиги ҳақида тахмин қилмайман. Аммо бу Мирзиёев ташаббусларига урилган жиддий зарбадир, чунки унга нисбатан илиқ кайфиятлар энди бошланаётган эди, мустақил

журналистларни қамаш, қийноқлар қўллаш бу сиёсатга жиддий шикаст етказди”, – дейди Муҳаммад Солиҳ.

Дастлаб 2003-йилларда пайдо бўлган ва мақолалари жамоатчиликда мунозара уйғотган Усмон Ҳақназаровнинг кимлиги ҳозиргача номаълум қолаётган эди.

Унинг мақолаларининг аксарияти ҳукуматдаги зиддиятлар, шунингдек МХХ фаолиятига доир эди. Ўзбекистонда ҳокимият алмашгандан сўнг Ҳақназаров мақолаларининг аксарияти янги президент Шавкат Мирзиёев ва МХХ раҳбари Рустам Иноятов ўртасида бораётган ҳокимият кураши ҳақида эди.

Муҳаммад Солиҳга кўра, сўнгги пайтда Бобомурод Абдуллаев ўзига нисбатан кузатув кучайганини сезган, аммо чиқиш визасидан маҳрум қилинган Бобомуродни ташқарига олиб чиқишнинг имконияти бўлмаган.

“Бизда ҳам уни устидан назорат кучайтирилгани ҳақида маълумот бор эди. Ичкаридан Усмон Ҳақназаровнинг изидан қаттиқ тушишган, мамлакатдан қочсин, деган хабар келди. Аммо бунинг имконияти бўлмади, чунки орқасидан доим одам юрган эди. Бундан ташқари унга чиқиш визаси ҳам берилмаётган эди. Уйда ҳам, ташқарида ҳам доим кузатув остида бўлди. Шунинг учун афсуски, уни чиқаришнинг иложи бўлмади”, – дейди Муҳаммад Солиҳ.

Айни пайтда ММХга қарашли тергов изоляторида сақланаётган Бобомурод Абдуллаевнинг эҳтиёт чораси сифатида қамоқда ушлаш ҳақида суд қарори чиққан.

Журналист Ўзбекистон Жиноят кодексининг 159-моддасини 4-бандига биноан ҳукуматга қарши фитна уюштириш, тузумни

ағдаришга уриниш ҳаракатларини кўзда тутувчи бу модда 10 йилдан 20 йилгача қамоқ жазосини назарда тутди.

“Ҳаром мол еган, кўзини ҳаром ёғ босган одамларни танқид қилиш, улар учун фитнадир. Халқни ҳимоя қилиш, халқнинг манфаати учун ўз ҳаётини ўртага қўйиш, бу улар учун бир жиноятдир. Улардан бошқа яна нимани кутиш мумкин”, – дейди Муҳаммад Солиҳ.

“Мени ҳам айнан шу моддалар билан айбланган эди, фитна тайёрлашда. Аммо кейин нима бўлди, бизга нисбатан кўрсатма берган Зайниддин Асқаров буларнинг ҳаммаси ИИВ, МХХ томонидан тайёрланган фитна эканлигини айтди. Шунинг учун ҳам уни қамоқда ўлдиришди. Яъни уларнинг услуби ҳали ўзгаргани йўқ, бунга қарши курашиш учун ҳатто бугунги давлат раҳбари ҳам иккиланиб ёки ёлғизланиб қоляпти. Шунинг учун биз Мирзиёев ташаббусларини дастаклаш керак деб келаемиз”, – дейди муҳолифатчи.

2-октябр куни 30 га яқин инсон ҳуқуқлари ташкилотларини бирлаштирган Фуқоровий бирдамлик платформаси журналист Бобомурод Абдуллаев зудлик билан озод қилиниши сўралган баёнот тарқатди.

Марказий Осиёдаги инсон ҳуқуқлари ташкилотлари ҳам қўшилишганбубаёнотдаИХХТнинг матбуот эркинлиги бўйича Тошкентда режаланган халқаро конференция олдинда журналист Бобомурод Абдуллаевнинг қамоққа олиниши ўта ҳавотирли воқеа дея баҳоланади, Ўзбекистон ҳукумати зудлик билан журналистни озод қилишга чақиради.

**Манба: Америка Овози**

## Аъзам Фармонов қамоқдан озод этилди

3 октябр куни, ўн йилдан ортиқ ҳибсда сақланган собиқ инсон ҳуқуқлари фаоли 38 яшар Аъзам Фармонов қамоқдан озод этилди.

Собиқ маҳкумнинг умр йўлдоши Озода Ёқубова билан соат 14:15 да гаплашган «Элтуз» муҳбири, Аъзам Фармоновнинг ҳуқуқ ҳимоячиси Абдурахмон Ташанов ҳамроҳлигида уйига қайтаётганини билди.

«Қулоқларимга ишонмайман, сабрсизлик билан кутиб

ўтирибман» деди эрини ўн йилдан ортиқ кутган Озода Ёқубова.

Ўзбек концлагери деб ном чиқарган “Жаслик” қамоғининг собиқ маҳкуми Аъзам Фармонов 2006 йилнинг 29 апрелида ҳибсга олинган эди.

Ўзбекистон инсон ҳақлари жамиятининг Сирдарё вилоят бўлими раиси бўлган Аъзам Фармонов, ўз ҳамкасблари фикрига кўра, қайнатаси Толиб Ёқубовнинг ижтимоий фаолияти сабаб

қамалгани айтилади.

Расман эса у 300 долларга яқин миқдордаги “таъмагирилик” да айбланиб, 9 йил озодликдан маҳрум этилган эди.

2015 йил апрелида унинг муддатига тагин беш йил қўшиб берилган, Халқаро Амнистия ташкилоти Аъзам Фармоновни виждон маҳкуми деб эътироф этган эди.

*Манба: Eltuz.com*

Би-Би-Си радиосининг хабар беришича, Таниқли журналист ва инсон ҳақлари фаоли Солижон Абдурахмонов Ўзбекистон қамоқхонасидан озодликка чиқарилган.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича “Эзгулик” жамияти 67 яшар сиёсий тутқуннинг Қашқадарё вилоятида жойлашган “Шайхали” номи билан танилган қамоқхонадан қўйиб юборилгани ҳақида хабар тарқатган.

Солижон Абдурахмонов 11 йиллик бошқа бир сиёсий тутқун, инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси Аъзам Фармонов “Жаслик” қамоқхонасидан чиқарилганидан бир кун ўтиб озод этилган.

Солижон Абдурахмоновни 2008 йил автомобилида наркотик модда топилди деган баҳона билан ҳибс қилишган, унинг ўзи гиёҳванд моддаларни милиция ходимларининг ўзлари ташлаб қўйганини айтиб келган.

Шунга қарамасдан, маҳкама Қорақалпоғистондаги муаммоларни журналист сифатида ёритган ва инсон ҳуқуқлари поймол этилишига қарши курашиб келган фаолни 10 йиллик қамоққа маҳкум этган эди.

Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги элчилиги Солижон Абдурахмонов озодликка чиқарилгани олқишлаб баёнот тарқатган.

Ўз баёнотида АҚШ элчилиги Ўзбекистонда кузатилаётган жамиятни янада очиш ҳаракатлари давом этишига умид билдирган:

“Америка Қўшма Штатлари журналист Солижон Абдурахмоновнинг озод этилишини олқишлайди. Куни-кеча инсон ҳуқуқлари фаоли Аъзам Фармоновнинг озод этилишидан сўнг кўп ўтмай яна бир узоқ муддатга қамалган виждон тутқунининг озод этилишидир. Жаноб Абдурахмонов 2008 йилда қамалган эди. Қўшма Штатлар



## Солижон Абдурахмонов озод этилди

ва инсон ҳуқуқи бўйича халқаро ташкилотлар Абдурахмоновнинг журналист сифатида ижтимоий-иқтисодий адолат, коррупция ва инсон ҳуқуқлари масалаларига оид олиб борган салмоқли фаолиятини эътироф этганлар. Умид қиламизки ушбу очиқроқ ёндашув давом этади ва Ўзбекистон ҳукумати журналист ва фаолларга тааллуқли бўлган барча масалаларга Ўзбекистон конституцияси ва ҳуқуқий талабларга мувофиқ равишда ечим топади. Қонун устуворлигини таъминлаш Президент Мирзиёевнинг Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларига оид халқаро стандартларини таъминлашга қаратилган мажбуриятини мустаҳкамлайди. Биз кенг қўламли сиёсий, ижтимоий ва инсон ҳуқуқлари соҳасига оид ислохотлар сари олға силжиш давом этишига умид қилиб қоламиз”, дейилади АҚШ элчилиги тарқатган баёнотда.

Солижон Абдурахмонов ва Аъзам Фармоновларнинг озод этилишлари БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг дин ва эътиқод эркинлиги масаласи бўйича махсус маърузачиси Аҳмад Шаҳиднинг Ўзбекистонга сафари пайтига тўғри

келган.

Халқаро ташкилотлар охириги 1 йилда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари вазиятини яхшилаш борасида кўзга кўринарли ишлар амалга оширилганини эътироф этадилар.

Ҳукумат мулозимлари сиёсий маҳкумлар мавжудлигини тан олишмаса-да, халқаро миқёсда энг узоқ вақт қамоқда сақланган деб кўрилган сиёсий тутқунлар Самандар Қўқонов ва Мухаммад Бекжон озодликка чиқарилдилар.

Халқаро ташкилотлар таниқли фаоллар Аъзам Турғунов, Дилмурод Саййидларнинг сохта айбловлар билан қамоқда сақланаётганига ишонадилар ва Ўзбекистон ҳукуматидан уларни ҳам озод этишга чақириб келадилар.

Бир неча кун олдин Президент Мирзиёевнинг янги амнистия ҳужжатини тайёрлашга доир фармойиши эълон қилинди.

Ўзбекистон президентининг ушбу фармойиши сафарги афв диний-сиёсий айбловлар билан қамалган инсонларнинг ҳам озод этилишларига умидларни уйғотган.

**ЎХХ хабарлар бўлими**



## **Ўша пайтда Усмон Ҳақназаров бу Бобомурод Абдуллаев эканлигини АЙТИШ хавфли эди, бугун эса буни АЙТМАСЛИК хавфли.**

Мендан сўрашяпти: «Нега сиз беш йил аввал, Ҳақназаров номи остида бир киши эмас, балки бир коллектив ёзади, деган эдингиз, энди эса Ҳақназаров тахаллуси остида фақат бир киши – Бобомурод Абдуллаев ёзган, деяпсиз?»

Мен жавоб бераман: Менинг аввалги сўзимга ишонманглар, ҳозиргисига ишонинглар; чунки ўша пайтда Усмон Ҳақназаров бу Бобомурод Абдуллаев эканлигини АЙТИШ хавфли эди, бугун эса буни АЙТМАСЛИК хавфли.

Чунки Бобомурод Абдуллаевни Миллий хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон ҳукуматининг юқори тузулмаларидаги коррупция ва уюшган жиноятчиликни фош қилгани учун, айнан Усмон Ҳақназаров бўлгани учун ҳибсга олди.

Аммо МХХ, Абдуллаев-Ҳақназаровни қандайдир бачкана ўғирликда айблаб, ҳибснинг асл сабабини сир тутмоқда. МХХ тергов остидаги Абдуллаев-Ҳақназаровнинг хотинини (Катяни) матбуотга, унинг эри Ҳақназаров эмаслигини ва бу тухмат эканлигини, айтишга мажбурламоқда.

Айнан шу ташкилотнинг талаби билан Абдуллаев-Ҳақназаровнинг хотини, гўёки адвокатга тўлаш учун пул йўқлиги сабабли Бобомуроднинг ўзи буни истамаган, дея, Бобомуроднинг дўстлари томонидан ёнланган

адвокатдан ҳам воз кечди. Бу МХХ томонидан ўйлаб топилган ва Катя айтган бир ёлғондир. Бобомуроднинг дўстлари химоячи хизматлари учун тўловни олдиндан тўлаб қўйишди ва Катя буни билади.

МХХ Ҳақназаров ишини мустақил адвокат олиб боришини истамайди. Чунки мустақил адвокат тергов остидаги кишининг ҳақиқий ҳолатини кўрган ва жамоатчиликка хабар берган бўлар эди. Унинг ҳолати даҳшат тўғдиради инсонда. Бизнинг гизли олган хабарларимизга қараганда, бугун Бобомурод Абдуллаев сўроқ чоғида қийноққа солинаркан, қосиғига тепилган тепкилардан сийдигини туютмайди диган аҳволга тушган.

Иноятлов бу ишланган жиноятларнинг дунё жамоатчилигига етиб боришидан кўрқади.

Абдуллаев-Ҳақназаров 14 йил давомида 100 га яқин мақолалар ёзди ва у халқ ичида мазлумлар ҳомийси сифатида машхур. У мустабид бир давлатнинг сиёсий режимига қарши чиқаётган ёлғиз-қахрамон кабидир.

Бундай одамдан осонликча қутулиб бўлмайди, МХХнинг беданалар учун мўлжалланган ов тўри учун Ҳақназар ўта катта қуш, у бир бургутдир.

Шу сабабдан Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати,

тўғрироғи, унинг раҳбари Р. Иноятлов ўзи ўғирлаган миллиардларни фош қилган Ҳақназаровни кичик бир “ўғри” сифатида қамаб, қамоқхонада эса ўлдириб юборишни режалаштиряпти.

Қийноқлар биланми ёки қийноқсиз бу муҳим эмас, албатта ўлдириш керак.

Чунки, Ҳақназаров МХХ ва шахсан Иноятлов томонидан амалга оширилган жиноятлар фактларининг бош манбасидир. Чунки, Абдуллаев-Ҳақназаров охириги вақтларда, ўзининг Ўзбекистон МХХнинг генерал-наркобаронлари ва Ўзбекистон раҳбарининг Қирғизистонга қилган ташрифи чоғида, унга нисбатан шу “контора” томонидан суиқасд уюштирилиши ҳақидаги мақолалари билан уларни жонига тегиб кетган эди.

Ишончим комил-ки, бугун Абдуллаев-Ҳақназаров, унга мавжуд бўлмаган жиноятларни тан олдириш мақсадида, психотроп моддалар қўлланарок, шафқатсиз қийноқларга тугиляпти.

Ҳатто бизнинг ўзбек Конституциямизда ҳам, фақатгина ўз мамлакатининг муаммолари ҳақида мақолалар ёзгани учун одамни ўғирлаш, қийнаш, унинг олдига адвокатни қўймай сўроқ қилиш мумкин эмас!

Некбин инсонлар Ўзбекистон президентида унинг ислохотлари тарафдори бўлган Абдуллаев-Ҳақназаровни қутқариш учун конкрет одим отишини кутмоқдалар.

Бобомурод Абдуллаевни турмадан қутқариш инсонлар қалбини Президент иродаси ва унинг мустақиллигига бўлган ишончсизликдан қутқариш демакдир.

Абдуллаев-Ҳақназаров ўтирган хужра эшигини очиш хорижий сармоя эшигини Ўзбекистонга очиш билан баробардир. Озод бўлган Абдуллаев-Ҳақназаров маданий дунёда авторитар давлат ўларок танилган Ўзбекистон учун денгизда чўкиб кетаётган одамга ташланган “хаёт чамбари” ролини уйнаши мумкин.

**Муҳаммад Солиҳ**

Би-Би-Си радиосининг хабар беришича, Журналист Бобомурод Абдуллаев расман “Усмон Ҳақназар” имзоси остида “амалдаги тузумни ўзгартиришга чақирувчи” мақолалар чоп этиш ва давлат тўнтаришига уринишда гумонланмоқда.

Бу ҳақда Юнусобод туман судининг шу йилнинг 1 октябр куни ўтган дастлабки маҳкамаси қарорида айтилади.

Инсон ҳақлари фаоли Сураат Икромов Би-би-сига тақдим этган қарор нусхасидан маълум бўлишича, судья Шамсуддинова Э.Р раислигида ўтган маҳкама Бобомурод Абдуллаев “2011 йилдан шу кунгача” “Усмон Ҳақназар” таҳаллуси остида муҳолифатдаги Ўзбекистон Халқ Ҳаракати раиси Муҳаммад Солиҳнинг “буюртмаларини бажариб келгани”ни аниқлаган.

Маҳкама аниқловига кўра, “амалдаги тузумни босиб олишга чақирувчи” мақолалар интернет орқали Муҳаммад Солиҳга етказиб турилган.

Тергов Бобомурод Абдуллаевнинг асосий манбаълари Салаев Равшанбек Бойжонович ва Оллоёров Шавкатжон Оллоёр ўгли исмли Ўзбекистон фуқаролари эканини айтган.

Маҳкама қарорида айтилишича, бу икки шахснинг “қўриқланадиган шахслар, йирик ишбилармонлар ва Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбариятига кириш имкони бўлган”.

Юнусобод туман маҳкамаси гумонланувчи Бобомурод Абдуллаевга нисбатан Жиноят кодексининг 159-модда 4-қисми билан айблов эълон қилган ва уни Ўзбекистон Республикаси МХХ тергов изоляторига ҳибс қилишга буйруқ берган.

Маҳкама қарорида айтилишича, гумонланувчи ўн кун муҳлат ичида айбланувчи сифатида жиноят ишига жалб этилиши, акс ҳолда ҳибсдан озод қилиниши керак бўлади.

44 ёшли журналист 27 сентябр куни кундузи бедарак кетган ва орадан бир кун ўтиб, унинг Тошкентдаги “Гвардейский” номи билан билинган МХХ изоляторига экани ўртага чиққан.

Суд қарорида Абдуллаевнинг 29 сентябр куни соат 19:55 да ҳибсга олингани айтилади.

## Суд Бобомурод Абдуллаевнинг “Усмон Ҳақназар” эканини эълон қилди

### “Давлат тўнтариши режаси”

Маҳкама қарорида Бобомурод Абдуллаевнинг манбалари бўлиб хизмат қилгани айтилган Салаев ва Оллоёровларнинг аниқ хизмат лавозимлари тилга олинмаган.

Шунингдек, уларнинг тақдири ҳақида ҳам ҳеч нарса дейилмайди.

Унда айтилишича, Абдуллаев бу шахслардан “олинган маълумотлар ва Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий вазиятни таҳлил қилган ҳолда Муҳаммад Солиҳнинг кўрсатмаси билан Ўзбекистонда инқилоб қилиш ва Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ағдаришга қаратилган режа”ни ишлаб чиққан.

Терговнинг даъво қилишича, “Йиғим-терим” (“Жатва”) номи берилган “лойиҳа”га мувофиқ, уч босқичда Ўзбекистоннинг амалдаги конституциявий тузумини ағдариш режаланган.

Унда Ўзбекистон ҳукуматидаги “муҳим” мансабдор шахслар (МХХ, ИИВ ва Мудофаа вазирлиги) ва кенг халқ оммасини жалб этиш, шунингдек, шаҳар ва вилоят миқёсида (Тошкент, Фарғона, Навоий, Урганч) ҳарбий ҳаракатларни ўтказиш режалангани даъво қилинади.

Суд аниқловига кўра, режага республиканинг турли вазирлик ва идоралари раҳбарларининг яшаш жойлари схемалари ва суратлари, шунингдек, уларни қўлга олиш учун зарур бўлган одамлар сони ҳамда кетадиган харажатларнинг сметалари ҳам илова қилинган.

Суд Бобомурод Абдуллаев содир этишда гумонланаётган жиноятни “ўта оғир” дея малакалаган.

Эслатиб ўтамиз, 3 октябр куни Истанбулдаги матбуот анжуманида муҳолифатдаги Ўзбекистон Халқ Ҳаракати раиси Муҳаммад Солиҳ Бобомурод Абдуллаевнинг йиллар давомида “Усмон Ҳақназаров” номи остида мақолалар чоп этиб келган муаллиф эканини очиқлаганди.

Муҳаммад Солиҳ журналистнинг “ҳаётини сақлаб қолиш учун” бу каби баёнот билан чиқишга мажбур бўлганини айтган.

У 2003 йилдан буён интернетда “Усмон Ҳақназаров” таҳаллуси

остида мақолалар чоп этган муаллиф ва Бобомурод Абдуллаевнинг бир шахс эканини айтган.

Тергов Бобомурод Абдуллаев 2011 йилдан буён “Усмон Ҳақназар” таҳаллуси билан мақолалар чоп этиб келганини айтади.

Бобомурод Абдуллаевга нисбатан расмий айбловга муносабат билдирган Муҳаммад Солиҳ Би-би-си билан суҳбатда айбларни “мутлақо асосиз ва бемаъни” деб атади.

Унинг айтишича, Ўзбекистон ҳукумати ва хусусан, МХХ журналистдан худди шу йўл билан қасос олишга уринмоқда.

“Афсуслар бўлсинки, бугун Бобомурод Абдулла (Усмон Ҳақназар)га қўйилган айбнома эълони Ўзбекистонда сиёсий режимнинг ҳали-бери ўзгармаслигидан дарак бермоқда. Бу МХХнинг, шахсан Рустам Иноятовнинг биздан – Усмон Ҳақназар (Бобомурод Абдулла) ва мендан олган интиқомидир”, – деб айтди Муҳаммад Солиҳ.

“Чунки биз Усмон Ҳақназар ва камина янги раҳбар Шавкат Мирзиёев ислохотларини очиқ қўллаб чиқдик ва ислохотлар олдидаги энг катта тўсиқ Каримовчи кадрлар, бўғзигача ўғирлик ва порахўрликка ботган МХХ структураси ва унинг раҳбарияти эканини айтдик ва бу тўсиққа қарши курашдик. Айбномада кўрсатилган “давлат тўнтаришига ташаббус” айблови 1999 йил бизга қўйилган 16 феврал портлашлари каби тухматдан иборатдир. Бу ёлғонининг ҳам умр қисқа бўлажак, бунга шубҳамиз йўқ. Бизни бошқа нарса қизиқтиради: биз анчадан бери дастаклаётган, бу ўйинни кўриб турган президент Мирзиёев нега жим? Ёки биз бекорга умидландикми? Янги президент Каримов сарқитларидан озод бўлишга самимий интилаяпти, дея беҳуда ишондикми? Буни энг яқин замонда ўрганамиз ва шунга кўра Ўзбек муҳолифатининг қайси позицияда туриши кераклигини жамоатчиликка эълон қиламиз”, – деб айтди Муҳаммад Солиҳ Би-би-сига берган баёнотида.

**ЎХХ хабарлар бўлими**



## Мухолифат фаоли Аъзам Турғунов қамокдан озод этилди

“Озодлик” радиосининг хабар беришича, Ўзбекистонда 2008 йилда товламачиликда айбланиб, 10 йилга қамалган мухолифатдаги “Эрк” демократик партияси фаоли ва Ўзбекистонда рўйхатдан ўтказилмаган “Мазлум” инсон ҳуқуқлари ташкилоти раҳбари бўлган Аъзам Турғунов 7 октябр куни қамокдан озод этилган. Бу ҳақда Франциядаги Марказий Осиёда инсон ҳуқуқлари ташкилоти маълум қилди. Турғунов қамалишидан олдин маҳаллий куч тизимлари муносабатидан норози фуқароларнинг маҳкама ишларида қатнашиб, уларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиб келган.

66 ёшли Аъзам Турғуновнинг қамокдан озод этилгани ҳақда дастлаб Франциядаги Марказий Осиёда инсон ҳуқуқлари ташкилоти раҳбари Надежда Отаева маълум қилди.

– Дўстлар, ҳушxabар, Аъзам Турғунов озооод бўлди, – деб ёзди Отаева Facebook саҳифасида.

“Эзгулик” инсон ҳуқуқлари ташкилоти фаоли Абдурахмон

Ташанов эса ўз Facebook саҳифасида қамокдан озод бўлган Турғунов билан бирга тушган видеони эълон қилди.

Сўнгги бир ҳафта ичида Ўзбекистонда уч нафар сиёсий маҳбус озод этилди.

4 октябр куни ўзбекистонлик журналист Солижон Абдурахмонов 9 йилу 4 ойлик қамок ортидан Қарши шаҳридаги Шайхали қамокхонасидан озод этилгани ҳақда Озодлик хабар берган эди.

Абдурахмонов озод этилишидан бир кун аввал эса жиззахлик ҳуқуқ фаоли Аъзам Фармонов “Жаслик” қамогидан уйига қайтганди.

Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги элчихонаси журналист Солижон Абдурахмонов, инсон ҳуқуқлари фаоли Фармонов ва бошқа маҳбусларнинг озод этилишини олқишлади.

“Америка Қўшма Штатлари журналист Солижон Абдурахмоновнинг озод этилишини олқишлайди. Бу куни-кеча инсон ҳуқуқлари фаоли Аъзам Фармоновнинг озод

этилишидан сўнг кўп ўтмай яна бир узоқ муддатга қамалган виждон тутқунининг озод этилишидир. Жаноб Абдурахмонов 2008 йилда қамалган эди. Қўшма Штатлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ташкилотлар Абдурахмоновнинг журналист сифатида ижтимоий-иктисодий адолат, коррупция ва инсон ҳуқуқлари масалаларига оид олиб борган салмоқли фаолиятини эътироф этган. Умид қиламизки, ушбу очикроқ ёндашув давом этади ҳамда Ўзбекистон ҳукумати журналист ва фаолларга тааллуқли бўлган барча масалаларга Ўзбекистон конституцияси ва ҳуқуқий талабларга мувофиқ равишда ечим топади. Қонун устуворлигини таъминлаш Президент Мирзиёевнинг Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларига оид халқаро андозаларни таъминлашга бўлган садоқатини мустаҳкамлайди. Биз кенг кўламли сиёсий, ижтимоий ва инсон ҳуқуқлари соҳасига оид ислохотлар сари олға силжиш давом этишига умид қиламиз”, – дейилган 4 октябр куни АҚШ элчихонаси расмий сайтида эълон қилинган баёнотда.

ЎХХ хабарлар бўлими

## Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон озод этилди

**ХУШХАБАР !!!**

Ҳозиргина уйдан хабар келди. Дадамларни аэропортдан кишанланган ҳолда олиб борилган Яшнобод туман Ички ишлар бўлими бошлиғи ўзининг хизмат мошинасида Тоштурмадан чиқариб эшигимиз тагига кўйиб кетган.

Ҳозир уйимизда хурсандчилик! Яқин ораларда дадамларни ўзлари баёнот берадилар, иншааллоҳ.

Бундан кейин нима бўлади ҳозирча маълум эмас, ҳеч қандай тушунтириш беришмаган. Аммо уйда бўлишлари барчамиз учун катта янгилик.

Дадамларни шу кунгача қўллаб-қувватлаган, ҳақиқат қарор топиши учун сидку дилдан курашган барчангиздан Оллоҳ рози бўлсин. Хоҳ ижтимоий тармоқ бўлсин, хоҳ ундан ташқарида, хоҳ ошкор, хоҳ яширин ёрдам берган барча азизларга Оллоҳнинг раҳмати ёғилсин.

Дуо қилинлар бу хурсандчилигимиз давомли бўлсин!

**Файзуллаҳон Отаҳонов**

## Тирикчилик йўлида нимани қурбон қилаётганимизни ўйлаш вақти етди...

Ҳовузда, аквариумда, умуман ҳар қандай катта-кичик сув ҳавзасида сув узоқ туриб қолса, яъни тоза сув солиб, янгиланмаслиги-ифлосланиши натижасида ўша ифлос сувдаги балиқларнинг жинси ўзгариб қолишини олимлар исботлашди.

Шу янгиликни ўқиганимдан бери, бир фикр тинчлик бермайди.

Кап-катта эр йигитларнинг уялмай майдалашаётганлиги, пастлашаётганлиги, сандан қоламанми дегандек аёлларнинг гоҳо эркакларданда м а р д л а ш а ё т г а н л и г и , дангаллашаётганлиги, энг ёмони кўполлашаётганлиги – аёллик нафосатининг йўқолиб бораётгани, алаалоқибат қайсидир маънода жинси алмашаётгани жамият онгининг аввал совет замонасида, ундан сўнг қарийб чорак асрлик шукроналик даврида тозалikka яъни ўсишга томон ҳаракатланмаганлиги эмасмикан? Бу “жинс алмашиниш”

биргина онгда бўлса майли эди! Тоғдек елкаларию, мушаклари ўйнаб турган Алпомишларнинг уялмай аёллар ич кийимига сотаётгани, бадий асарларда мадҳ этилган нозик бармоқли айрим Барчинойларнинг тирикчилик кўйида қоп ташиётгани, юк кўтараётгани-чи, яна буни табиий ҳолатдек қабул қилиб бўлганимиз-чи!

Балки, тирикчиликнинг айби йўқдир, аммо шу “айбсиз” ҳолатларнинг ўзи юқоридаги жинсий нотенг меҳнат тақсимоли олдида минг хижолатдир, балки.

Бу кетишда охири нима билан тугашини ўйлаш қўрқинчли. Ҳа, тирикчилик тошдан қаттик. Аммо, тирикчилик йўлида нимани қурбон қилаётганимизни ўйлаш вақти етди...

(Ўзим)

“Кўпинча кийнайдиган хаёллар туркуми”дан

Гўзал Рўзиева  
facebook.com

Тўракуловнинг бутун фаолияти қароқчиликка асосланган. У қонун ниқоби остида тадбиркорларга фитна ва тухматлар уюштириб, қийнаб хонавайрон қилаётган МХХ мулозимларидан биридир.

Ўз.Р.МХХ Сурхандарё вилояти Бошқармаси Тергов бўлими бошлиғи бўлиб ишлаган вақтидаги Н.Д.Тўракуловнинг ноқонуний қилмишларига қонуний баҳо беришни сўраб, қуйидагиларни маълум қиламиз:

Ўз.Р.МХХ Сурхандарё вилояти Бошқармаси Тергов бўлими бошлиғи (Ҳозир Республика МХХ тергов бўлимида ишлайди) Нодир Тўрақулов асли анжонлик бўлиб, у собиқ Бош прокурор Р.Х.Қодиров акасининг қизига уйланган, оддий одамлар Нодиржон Бош прокурорнинг куёви дейишади. Нодир Тўрақулов Сурхандарё вилоят МХХБга ишга келгандан сўнг “Сурхон озик-овқат таъминоти” ОАЖ акциядор соҳиби Э.О.Норқобиловнинг қизини акасининг ўғлига олиб бериб у билан қуда – анда бўлишди.;

Давлатимизнинг ишонган МХХ ходими билан нуфузли тадбиркорнинг қуда бўлганидан кўпчилик қувонган бўлсаларда, уларнинг шодлиги узокқа чўзилмади. Чунки, Н.Тўрақулов қудачилик анъанасини тадбиркорларнинг молу – мулкларини турли йўллар билан тортиб олиб Эркин Омонович тасарруфига ўтказишдан бошлади. Оқибатда, бор йўғи уч йил 2012 – 2015 йиллар мобайнида Эркин Омонович вилоятнинг турли туманларида ҳар бир 4,5 миллиард сўм турадиган 12 та “Метан” ва 12 та “Пропан” заправкалари қурди. Бошқа вилоятларни ҳисобга олганда Эркин Омоновичнинг ана шундай 30 га яқин газзаправкалари бор дейишади.;

Сурхандарё вилоят «Холодильник» ташкилоти ҳам Эркин Омоновичга қарашли бўлиб Президент қарори бўйича аҳоли жон бошига арзон нархда сотилиши лозим бўлган ун, ёғ, шакар маҳсулотлари кўп йиллардан буён маҳалла дўконлари орқали эмас, туман марказий бозорлари ва шахсий дўконларда давлат нархидан икки қарра юқори чайқов нархида сотилмоқда. 50 килолик бир қоп уннинг давлат нархи 47.000 сўм бўлса, Эркин Омонович бир қоп унни ўз югурдақларига 75.000 сўмдан берса, улар 90.000 сўмдан сотадилар. Яъни, вилоят



## Бобомуродни қамаган МХХ подполковниги Нодир Тўрақулов аслида ким?

аҳолисига давлат ажратган уннинг ҳар қопидан Эркин Омоновичга нақд 28000 сўм қолади. Агар, ун, ёғ, шакарнинг давлат ва чайқов нархи ўртасидаги тафовутлар шу тариқа ҳисоб-китоб қилинса Эркин Омонович тадбиркор эмас аҳолини давлатимиз берган имтиёзлардан маҳрум, фуқоролар ҳақиқа хийнат қилиш эвазига бойлик орттираётган сохта тадбиркор эканлиги фош бўлади. Бутун вилоят аҳли кўриб турган ушбу жиноий ишларга қарши курашиши лозим бўлган вилоят МХХБ маъсул ходими Н.Тўрақулов ўз мансаб ваколатини суистеъмол этиб, манфаатдор бўлган ҳолда бош – қош бўлаётганлигини давлатимизнинг пул эмиссияси сиёсатига зимдан қаршилиқ деб ҳисоблаймиз.;

Қудаси Н.Тўрақулов кўмагида чинакам зўравонга айланган Эркин Норқобилов супермаркет ёки метан, пропан қуйиш шахобчалари қуриш учун ҳалал берган ернинг эгасини қаматиб бўлсада ниятини амалга оширади. Агар, ер майдони қандайдир ташкилотга тегишли бўлса қудаси орқали ўша ташкилотни тағ туби билан йўқ қилдириб, раҳбарларига жиноий кўзгатади. Бугунги кунгача Эркин Норқобиловнинг ана шундай зўравонлик билан эгалланган ерларга қурилган: – Ангор туманида 1 та, Жарқўрган туманида 1 та, Термиз туманида 2 та, Қизирик туманида 1 та, Шўрчи туманида 1 та, Олтинсой туманида 1 та, Бойсун туманида 2 та, Қумқўрган туманида 1 та, Узун туманида 1 та, Дерновда 1 та., Сурхандарё вилоятида жами

12 та “Метан” яна уларнинг ёнига қурилган шунча “Пропан” газ заправкалари бор.;

Эркин Омоновичнинг Денов шаҳрида «Юбилейный» деган супермаркетидан ташқари, Термиз шаҳрида ҳам яна шундай «Юбилейный» деган супермаркети бўлиб, аслида у республикада таниқли фермер Қурбон Амиркуловдан қудаси Нодир ёрдамида ғайри – қонуний йўл билан тортиб олинган ерга қурилган. Айни кунларда Шўрчи туманида ҳам ана шундай усулда тортиб олинган ерга яна бир супермаркет қурмоқда.;

Зўравон Э.Норқобилов фуқороларнинг турар жойлари билан ораси 5,6 метр масофада бўлган пахта майдонларига на шаҳарсозлик кодекси, на давлат архитектура стандарти талабига жавоб бермайдиган бир хил лойиҳа асосида метангаз заправкаларини вилоятнинг турли туман ва шаҳарларида қуриб ташлаган. Унинг бошқа вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳам шундай метангаз заправкалари бор дейишади. Бу заправкалар аслида Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, Автогаз билан тузилган шартномавий фонд орқали таъминланиши керак. Лекин, улар жойлардаги аҳолига ажратилган газдан доимий фойдаланиши оқибатида оддий фуқоролар газсиз қолмоқда.;

“Норалибек имкон барака” МЧЖ раҳбари Кўчаров Норбой

(Давоми кейинги саҳифада)

**(Давоми: Боши олдинги саҳифада)**

Муродович давлат банкдан катта микдорда кредит олиб лойиха асосида Термез шаҳридан чиқиш йўли четида метангаз заправка қурганди. Эркин Омоновичнинг бу жойга ишқи тушиб қолгач қудаси Нодир орқали 2014 йилда ушбу заправкани 8 ой ёптириб қўйди. Н.Кўчаров йил давомида бир неча ой ишлаб кредит фоизини тўлаганида Эркин Омонович заправкани яна ёптириб қўйди. Бу таъзияқларнинг бош сабаби у заправкани Эркин Норқобиловга сотмади. У эса жаҳли чиқиб, ҳеч қандай кредит олмасдан, Термиз шаҳрида бир вақтнинг ўзида ҳар бири 5, 6 миллиард сўм турадиган 2 та метан газ заправка қуриб Н.Кўчаровни бутунлай хонавайрон қилди.;

Кумқўрғон туманидаги Жийдали маҳалласида уйдан бор йўғи 5, 6 метр ораликда қурилиш бошланганида маҳалла фуқоролари номидан Нурулло Махсум бобо: – ўғлим уйимиз олдидаги пахта майдонида нима қураясилар., деб сўраса қурувчилар: – метангаз заправка қураямиз., деганида Махсум бобо: – шу жойдан 200 – 300 метр нарида газ заправка борку, унинг ўрнига аҳолини иш билан таъминлайдиган фабрика қурсаларинг бўлмайдими., деганида ишбошқорувчилардан бири: – бу жойнинг хўжайини шундай қудратли инсонки, керак бўлса бу ер аҳолисини бутунлай кўчириб юбориши мумкин бобой., деганида Нодирнинг ўша югурдаги: – бобой, қоғоздаги ҳавойи гапларга ишониб, бошингизга бало орттирманг., деб пўписа қилган. Ушбу суҳбатдан ҳатто бу зотларнинг югурдаклари ҳам оддий одамларни менсинмаслиги кўриниб турипти ;

Э.Норқобиловга ўхшаган зўравонлар МХХБ билан ҳамкорликда фаолият юритар экан ҳалол рақобатга ўрин йўқ. Уларнинг ягона мақсади қандай бўлмасин катта пул айланадиган жойларни эгаллашдан иборат. Э.Норқобилов «Шўрчи Дон маҳсулотлари» заводини зўрлик билан жиянига олиб берган бўлса, вилоят МХХБ ўтказган текширувда 40 га яқин ходимлари жавобгарликга тортилгач, «Денов ёғ заводи» ҳам Эркин Омонович ва Нодир Тўрақулов мулкига айланди?! Айни пайтда вилоят МХХБ томонидан қамокқа олинган «Денов ароқ вино заводи» эгалари ҳам ўта ноинсоний

усулларда кийноққа солингач, улар дастлаб 850 000 000 сўм, кейин жами ҳисобда 4 миллиард сўмни вилоят химия ташкилотиди Нодирнинг ёрдамчиси Шералига олиб бориб топширишгач, ҳисбадаги 3 та одамни озод қилсаларда, уларга заводни ўз хошишлари Эркин Омонович тасарруфига ўтказиш талаби қўйилган.;

МХХБ маъсул ходими Нодир Тўрақуловнинг бизнеси серқирра бўлиб, унинг Боботоғда – 1000 бош қора моли, Шеробод яйловларида эса – 1600 бош қўйларини чўпонлар боқиб юрипти. Шеробод қишлоқларида электр танқис, лекин Нодирнинг қўтонларида чирок ўчмайди. Юқорида қайд этилган метан, пропан газ заправка, супермаркетларнинг эгаси номига Эркин Норқобиловники бўлсада, аслида ярмидан кўпроғи Нодир Тўрақуловга тегишли бўлиб баъзи шахобчаларининг иш юритувчилари Нодир Тўрақуловнинг қариндошларидир. У қайси жойда супермаркет, завод ёки газ заправкани қўлга киритса дарҳол ўша туман МХХБ бўлимига ўз одамни тайинлаб, ўз хавфсизлигини шу усулда таъминлайди! Бу куда-андалар фитнаси туфайли нафақат заправка эгалари, ҳатто туман ва шаҳар ҳокимлари ҳам ҳар хил тухматлар билан қамалиб ҳам кетмоқда. Масалан, собиқ вилоят ҳокими Нормўмин Чориев камбағалпарвар, тadbиркорликни қўллайдиган, энг муҳими қишлоқ хўжалиги бўйича катта тажрибага эга, ҳалол инсон бўлгани учун халқ ичида обрў қозонганди. Н.Чориевнинг укаси Кумқўрғон туманида фермер бўлиб, Эркин Омонович ундан йўл четидаги ана фермер хўжалигига тегишли ерга метан заправка қурмоқчи бўлганида ҳоким: – фермер хўжалиги ерига заправка қурилмайди., деганидан сўнг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган фитналар қурбони бўлиб жавобгарликга тортилгач, қолган раҳбарлар бу зўравонларнинг гапини икки қилиш қамокқа йўлланма олиш билан тенг эканлигини англаб етдилар.;

Бу куда – анда ҳамкорларнинг иш услуби ҳам ўзгача, яъни улар қайси туманда заправка қуришни режа қилса ўша туман МХХБ бошлиғи ишдан бўшатилади. Масалан: – Ангор туманида 1 та АСГТК метангаз шахобчаси қурилиши бошлангач, дарҳол туман МХХБ бошлиғи ишдан кетди. Бойсун туманида 2 та метан газ заправка

қурилиши бошлангач туман МХХБ бошлиғи дарҳол алмаштирилди. Жарқўрғон, Кумқўрғон туман МХХБ бошлиқлари ҳам айнан метан газ заправкалари қурилиши мобайнида ишдан кетдилар.;

Чегара ҳарбий қўшинларига озик – овқат маҳсулотлари Эркин Омоновичнинг “Холодильник” ташкилоти орқали таъминланади. 2014 йилда Республика МХХ раҳбарлари борганида қудалар ваҳимага тушиб “Холодильник” ташкилоти базасида сақланаётган Нодир Тўрақуловга тегишли 50 та яп – янги, рақамсиз “Ласетти” автомашинасини бошқа жойга яширишга мажбур бўлганига Термез шаҳар тақиситлари гувоҳ бўлганлар.

“Хусанбек – Анвар” МЧЖ томонидан Республика Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган дастурга асосан Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 22 йиллигига муносабати билан 2014 йилнинг 21 сентябрь куни Кумқўрғон тумани “Азларсой” маҳалласида барпо этилган “Мустақиллик” савдо дўкониди 31 та янги иш ўринлари яратилиб, 21 нафар коллеж битирувчилари иш билан таъминланган. 2014 йил давомида жами: 934 131,3 минг сўмлик товар оборотидан 17. 782,0 минг сўм соф фойда олиниб, Республика давлат бюджетига 18. 781,0 минг сўм ягона солиқ, 1 201,8 минг сўм иш ҳақидан даромад солиғи, Пенсия фондига 7405,0 минг сўм 25 % ягона ижтимоий тўлов, 1.202,0 минг сўм иш ҳақидан 6,5% пенсия фондига ажратмалар тўланган. 2015 йилнинг 1 – чорагида 777 385,5 минг сўмлик товар айланмаси амалга оширилган бўлиб, шундан 56 000,0 минг сўми нақд, 721 385,5 минг сўми пластик арточкалар орқали савдо қилинган. “Хусанбек – Анвар” МЧЖ томонидан Наврўз байрами муносабати “Оқсой” маҳалласида ҳам “Мустақиллик” савдо марказининг 2-чи шахобчаси ишга туширилиб Республика бюджетига 14. 826,3 минг сўм ягона солиқ тўлови, 958,2 минг сўмлик иш ҳақи ҳисобидан даромада солиғи, Пенсия жамғармасига 2 875,5 минг сўмлик 15% ягона ижтимоий тўлов, 1 341,9 минг сўмлик иш ҳақидан 7% пенсия фондига ажратма ҳисобланиб, тўлаб берилган. “Хусанбек – Анвар” МЧЖ юқорида ишларни ишларни амалга ошириш учун АТ Алоқабанк Сурхондарё

**(Давоми кейинги саҳифада)**

*(Давоми: Боши олдинги саҳифада)*

филиалидан олинган 500 000, минг сўмлик қисқа муддатли кредитдан самарали фойдаланган ҳолда амалга оширган. 2015 йилнинг 18 апрель куни “Мустақиллик” савдо марказида содир бўлган талончиликни қонун никоҳидаги қароқчиликдан ўзга ном билан аташ мушкул. Ушбу дўконга МХХ, ДСИ ходимларидан иборат 5,6 нафар текширувчилар дўконга келиб товарларни санокдан ўтказаяётганларида мен ҳам ўша ерда эдим. Улардан: – текшириш учун қонуний руҳсат борми., деб сўрасам, ҳеч қандай ҳужжат кўрсатаолмадилар. Шундан сўнг, МЧЖ раиси Ж.Б.Омонкулов Қумқўрғон туман МХХ бўлимига бориб бошлиғидан сўраганида, у: – бу Нодир аканинг оғзаки топшириғи, лекин текширув ҳақида расмий буйруқ йўқ., деган. Шу гапни эшитганимдан сўнг текширувчиларга: – Сизлар Президентимизнинг тадбирокорга бўлган қаршилик, менга қаршилик деган гапларини эшитмаганмисилар, булар ҳамма солиқларни тўлаб қўйган бўлса, қандай асосга кўра товарларини санокдан ўтказаясилар., деганимдан сўнг яқинда Нодир томонидан туман МХХга ишга қўйилган ходимлардан бири дарҳол Нодирга қўнғироқ қилганидан сўнг, Нодир туман ИИБ бошлиғи Шароф Саидовга («Денов ароқ вино заводи» директорининг ўғли) мени ушлаб келинглр., деб топшириқ берган. Нодирнинг ушбу топшириғи асосида туман ИИБ ходимлари: – Анвар Кўчаров текширувчиларга қаршилик қилиб, безорилик қилган., деган сохта ҳужжатлар тайёрлаб, жиноий қўзғатишга астойдил киришганлар...

Тез орада “Мустақиллик” савдо дўкони товарларини қандай мақсадда санокдан ўтказганлари ҳам фош бўлди! Яъни, икки кундан сўнг 20 апрель куни аперель куни яна шу туман ММХ ва ДСИ ходимлардан келишиб бирон бир ҳужжат тақдим қилмасдан барча ходимлар кўз олдида 860.000 000 (саккиз юз олтмиш миллион) сўмдан ортиқ товар моддий бойликларини на акт, на далолатнома тузмасдан: – бу махсулотлар мусодора қилинди., деб Эркин Омоновичнинг МАН русумли 75 N070 ЕА (прицеп: 75 АА 20 39) давлат рақамли юк машинасига ортганлар ва Эркин

Омоновичнинг «Холодильник» ташкилотига олиб бориб жойлаштирилганлар?! МЧЖ раиси Ж.Б.Омонкулов талаб қилишига қарамасдан ДСИ ходимлари бу махсулотлар “мусодара” қилингани ҳақида бирор ҳужжат бермаган?! Ўша куни ушбу босқинчиликга гувоҳ бўлган, 20 нафар коллеж битирувчилари бўлган ёш савдо ходимларини Қумқўрғон туман ИИБга олиб бориб, ҳибсхонада ноқонуний қамаб “тарбия” берганлар!!! Уларнинг ота – оналари: – нега болаларимизни қамадинглар., деб тўполон қилганларида ҳибсхона мулозимлари: – МХХБ тергов бўлими бошлиғи Н.Тўракуловнинг буйруғига асосан ушлаб турибмиз., деб жавоб бергач, улар қўрқанидан ҳеч жойга шикоят қилмаган. Муҳтарам Ислоҳ Абдуғаниевич, Сиз: – бизнинг болаларимиз ҳеч кимдан кам эмас ва кам бўлмайдилар., бутун Ўзбекистон болалари менинг фарзандларим., деган сўзларингизни эшитганда кўксимиз ифтихорга тўлади. МХХ, ДСИ, ИИБ ходими никоҳидаги қароқчилардан ҳеч бир асосиз шунча жабр кўриб, кўзларида қўрқув қотиб қолган бу шўрлик талабаларининг поймол бўлган ҳуқуқларини Сиздан бошқа яна ким ҳимоя қилиши мумкин?!

Вилоят МХХБ ходими Нодир Тўракулов бошчилигида қароқчилик хануз давом этмоқда. Яъни, “Мустақиллик” дўконидagi босқинчиликдан бир ой ўтгач, менинг акам Акбар Кўчаровни ҳеч қандай санкциясиз, номаълум шахслар ҳибсга олишиб, бизга раҳматли отамиздан мерос қолган газ заправкани арзимаган пулга Эркин Норқобиловга сотасан деб 4 кун давомида таъзийқ ўтказиб қийноққа солганлар. Акам, қанча қийнасалар ҳам рози бўлмагач Нодир Тўракулов: – энди сенинг Сурхандарёда яшашинг хатарли., деб огоҳлантириб қўйиб юборган. Шундан сўнг, 2015 йилнинг апрель ойида дадамнинг укаси Кўчаров Рўзибойга +998945155773 рақамдан қўнғироқ қилиб вилоят ММХ ходими Ўткирман деган шахс вилоят химия ташкилотига чақирганида амакимни олиб борганимда, вилоят химия ташкилоти олдида ўзини вилоят ММХБ ходими Шералиман деган шахс уриб, сўкиб ҳақорот қила бошлаган. Сўнг ўша Шерали олдимга келиб амакимнинг қўл телефонини олиб, Рўзибой амаким

75 201 рақамли оқ “Нексия” машинасига ўтказгач, унинг ортидан МХХБга олиб кириб кетди. Роса уч кун кутсамда амаким чикмади. МХХБ ҳибсхонасига амакимдан хабар олишга борганимизда, ичкарига кирган Акбар акам ҳам қайтиб чикмади у яна 10 кун ноқонуний ҳибсда сақланди?! Мен тоғам Бойқувватов Бахридин билан бирга вилоят МХХБга борганимизда Нодир Тўракулов: – бизда заправкаларинг Автогаздан 2 миллиард 650 миллион сўм қарздорлиги тўғрисида маълумот бор, шу пулни нақд тўласаларинг Акбар билан Рўзибой чиқади., деган шарт қўйиб, бу пуллари Шерали айтган жойга олиб бориб унга топширасилар., деди. Нодирнинг ёрдамчиси Шералининг +998945155773 рақамли қўл телефонига қўнғироқ қилганимда у: – пулни вилоят химия ташкилотига олиб келинглр., деди. Шундан сўнг бутун қариндош ва таниш билишлардан қарз олиб биринчи марта: 450.150 000, иккинчи марта 458 000 000, учинчи марта 312.500 000, жами: 1.222 650 000 (бир миллиард икки юз йигирма икки миллион олти юз эллик минг) сўмни тоғам Бахридин Бойқувватов номидан топшириш учун борганимизда Шерали ёнидаги 5 нафар шахсни булар банк ходимлари деб таништириб пулни шулар санаб олади деди. Биринчи марта банк ходимлари пулни санок машинкасида санаб олсаларда ҳужжат беришмади. Шералидан сўрасак, у Нодирга ўша +998945155773 рақамли қўл телефонидан қўнғироқ қилиб: – булар 450.150 000 сўм олиб келишди, ҳужжат сўрашаяпти., деди ва сўнгра бизга: – қвитанция ҳамма пулни олиб келганларингдан сўнг берилар экан., деди. Учинчи марта санаб олганларга қайси банкдансизлар десам бири Миллий банк, бири Турон банк, яна бир Ҳамкорбанк., дейишгач шубҳаланиб қолдим... Улар санаб қопларга жойлаб банк инкасса машинаси эмас, 75 880 ЕА рақамли ойналарига темир қопланган оқ “Дамас” машинасига ортиб, 533 САА “Нексия” хизмат машинасида йўлга чиқишгач, орқасидан кузатганимда Автовокзал олдидаги айлана йўлгача борганимда, бир неча машиналар очикдан очик атайлаб халал берганлиги оқибатда уларни йўқотиб қўйдим.

*(Давоми кейинги саҳифада)*

*(Давоми: Боши олдинги саҳифада)*

Холбуки, вилоят МХХБ ва Банклар автовокзалга тескари шаҳар маркази томонда жойлашган?! Улардан шубҳаланганим ва ортидан кузатганимдан сўнг менга таъзийқ бошланиб, Нодир туман ИИБ ходимларига қандай бўлмасин., тутиб келтиринглар деб топширик берганидан сўнг тухматга учрашдан кўриб, Тошкентга кетишга мажбур бўлдим. Шундан кейин ҳам Нодир қолган пулни олиб келинглари деб талаб қилавергач, оила аъзоларим яна қарзга олиб Шералига олиб бориб топширган жами пуллар 2 миллиардга етсада Нодир Рўзибой амакимни ҳануз гаров сифатида қамокда ушлаб турипти. Нодир бошқалар қатори бизни шундай ёвуз

усуллар билан хонавайрон қилди ва мол- мулкимизни эгаллаб олиш учун Рўзибой амакимни ноқонуний ҳибсда сақлаб турипти...

Муқаддам вилоят прокурори, сўнг Бош прокуратурада бошқарма бошлиғи лавозимида ишлаган Эшдавлат Жўраев вилоятга ҳоким бўлганида энди адолат тикланади деб қувонган эдик. Лекин, бу зўравонларга кучи етмаслигига кўзи етган Эшдавлат Жўраев кўп муддат ишламасдан аризасини ёзиб ишдан кетишга мажбур бўлганлигини қандай изоҳлаш мумкин?! Тажрибали юрист сифатида Эшдавлат Жўраев балки биз билмаган сирлардан хабардор бўлганлиги учун, чекинишни маъқул кўргандир. Лекин, оталари, акалари ММХБ терговчиси Нодир

Тўракуловнинг фитнасига учраб қамалган, ақл бовар қилмас қийноққа солиниб молу – мулкидан жудо бўлган инсонларнинг доимий таъзийқ ва таъқиб остидаги оналари, оталари, аёллари, фарзандлари қайққа чекинади, қайққа қочади?!

Республика МХХ раиси Р.Р.Иноятов ва вилоят МХХБ раҳбари билмаслиги мумкин. Н.Тўракулов расман МХХ ходими бўлсада, бегуноҳ тадбиркорларни қийнаб пулларни тортиб олиш билан боғлиқ юқорида баён этилган жиноий қилмишларни амалга ошириш мақсадида Сурхондарё вилоят кимё ташкилотини шахсий “полигон”га айлантирган!

*А.Н.Кўчаров  
facebook.com*



## Журналист Бобомурод Абдуллаев иши доирасида 3 киши қўлга олинди

“Озодлик” радиосининг хабар беришича, “Ҳокимиятни фитна йўли билан босиб олиш” ва “Ўзбекистонда инқилоб” килишни режалаштирганликда гумон қилинаётган 44 яшар журналист Бобомурод Абдуллаевнинг иши юзасидан кейинги 10 кун ичида ўнга яқин киши гувоҳ сифатида сўроқ қилинган ва 3 киши қўлга олинган. 27 сентябрь куни йўқолганидан уч кун ўтиб, Абдуллаевнинг дараги, МХХ ҳибсхонасидан чиққан эди. Жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман суди журналистни эҳтиёт чораси сифатида ҳибсда ушлаш ҳақида 1 октябрь куни ажрим чиқарган.

“Озодлик” радиосига маълум бўлишича, 9 октябрь куни Ўзбекистон Фанлар академиясининг Қўлёзмалар

институти тадқиқодчиси 27 яшар Акром Маликов Бобомурод Абдуллаев билан юзлаштириш учун МХХнинг Гвардейский тергов ҳибсхонасига олиб келинган.

Маълум бўлишича, Акром Маликов 2016 йилнинг 22 июлида қўлга олинган. Бу ҳақда “Озодлик” радиосига унинг яқинлари айтди.

Уларнинг айтишича, Тошкент вилоят, Пскент туманилик Акром Маликов бундан 1 йил муқаддам қора маска кийган МХХ тезкор гуруҳи тарафидан олиб кетилган ва яқинларига бу ҳақда жим юриш буюрилган. Яқинларига Акром Маликовнинг айнан нимада айблангани шу кунгача айтилмаган.

Маликовни яқиндан билган шарқшунос олимнинг айтишича, Маликов Абдуллоҳ Нусрат таҳаллуси остида Интернетда эълон

қилган мақолалари ортидан қамокқа олинган. Бу мақолаларда муаллиф Ўзбекистондаги бошқарув усулини ва раҳбарларни танқид остига олади. Бир йил мобайнида Маликов ҳибсга олинганини яшириб келган яқинлари Бобомуроднинг зиммасига юкланаётган айбловга оид хабарларни эшитгач, сукутни бузишга қарор қилишди.

– Акром ана чиқади, мана чиқади, деб алдаб келишди. Энди Акромнинг зиммасига оғир айблар қўйилар экан, биз жим тура олмаймиз, деди Маликовнинг яқинларидан бири.

### Гулноранининг боғбони?

1 октябрь кунги суд ажримда, Бобомурод Абдуллаевнинг Усмон Ҳақназаров таҳаллуси билан ёзган мақолалари учун маълумотларни “қўриқланадиган давлат амалдорлари”га яқин бўлган Равшанбек Салаев ва Шавкатжон Оллоёровлардан олгани айтилган..

Инсон ҳуқуқлари фаоли Суръат Икромовга кўра, бу икки фуқаро 28 сентябрь куни МХХ тезкор гуруҳи тарафидан қўлга олинган.

– Бобомуродни 27 сентябрда ўғирлаб кетишган бўлса, орадан бир кун ўтиб, МХХ ходимлари Салаев ва Оллоёровнинг уйига қора маскада бостириб кийиб, уларни ҳам олиб кетган. Бу иккала хоразмлик йигитнинг яқинларига кўра, шундан бери уларнинг тақдирига оид бирор маълумот берилмаган. Улар ҳам МХХ ҳибсхонасида тергов қилинмоқда. Бу иш бўйича яна қанча одамнинг

*(Давоми кейинги саҳифада)*

**(Давоми: Боши олдинги саҳифада)**

ҳисбга олинганини ҳозирча аниқлашнинг имкони йўқ, - деди Икромов. Равшанбек Салаев ва Шавкатжон Оллоёровларни яқиндан таниганлар билан суҳбат асносида “Озодлик” радиоси муҳбири уларнинг Ўзбекистондаги муваффақиятли тадбиркор бўлишганини аниқлади.

Бобомурод Абдуллаевга маълумот бериб турганликда айбланган Равшанбек Салаев Ўзбекистон шоу-бизнеси ва бошқарув элитаси ичида анча таъсирли шахс бўлган. Уни яқиндан таниган ва исми аталмаслиги шarti билан гапирган эстрада хонандасига кўра, Салаев кўплаб кўшиқчиларни қўллаб-қувватлаган.

Асли касби агроном бўлган Салаев бир муддат ҳозир ҳибсдаги Гулнора Каримованинг уйларида ландшафт дизайни билан шуғулланган. Салаевнинг Тошкентда ва чет элда бир нечта дўконлари бор. Салаевни яқиндан таниганлар уни дунёвий демократик жамият қуриш тарафдори бўлган тадбиркор сифатида таърифлашди. “Озодлик” радиоси тасарруфидаги фотосуратларда Салаев ўзбекистонлик маданият ва санъат арбоблари ҳамда мулозимлар билан ёнма-ён турганини кўрамыз.

Салаевнинг яқинларига кўра, у Ўзбекистон Жиноят кодексининг 162-моддаси яъни “давлат сирларини ошкор қилиш” да гумонланмоқда. Айни пайтда бу айблов акс этган ҳужжат “Озодлик” радиосида йўқ. Жиноят ишлари бўйича Юнусобод судининг 1 октябрь кунги ажримида

Салаевнинг “ҳокимиятни ноқонуний йўл билан босиб олишда ишлатилишини билганлари ҳолда Бобомурод Абдуллаев учун, унинг топшириғи билан материаллар тўплагани ва унга етказиб тургани” айтилади.

Салаевнинг яқинлари эса, айбловнинг абсурд экани ва оддий тадбиркорнинг давлат сирларига дахли йўқлигини айтишди. Яқинларининг ишонишича, Салаевнинг Бобомурод билан бир қишлоқдан эканлиги унинг қамалишига сабаб бўлган.

**Мулозимларнинг ресторандаги ошқоралиги**

Бобомурод-Ҳақназаров иши бўйича кўлга олинган учинчи фигурант Тошкент ва Тошкент вилоятидаги қиммат ресторанлар



эгаси Шавкатжон Оллоёровдир. Уни яқиндан билган мулозимга кўра, Хоразмдаги турк лицейини битказган Оллоёров Тошкентда услубан янги бўлган ресторанлар тизимини яратиб, бизнес-муваффақиятга эришган.

– Pelete, “Павлин-мавлин”, “Ҳазрати Али бува” ресторанлари Оллоёровга оид. Бу ресторанларда шоу-бизнес вакиллари билан биргаликда юқори мартабали мулозимлар овқатланган, дейди Оллоёровни яқиндан билган мулозим. Унга кўра, ресторанлар эгаси бўлган Оллоёров ҳам давлат сирларига дахлдор бўлмаган:

– Давлат сиринга дахлдорлик деган ҳолат бор. Агар органда ёки ҳокимликда ишласангиз сизга баъзи ҳужжатларга доступ берилади. Уша пайтда бу мулозимлар давлат сирини ошкор қилмаслик ҳақдаги мажбуриятни олишади. Агар улар бу галарни ресторанда валақалаб айтиб қўйган бўлса, эътироз ресторани эгаси Оллоёровга эмас, ўша сирни тарқатган мулозимга бўлиши керак, дейди суҳбатдош.

1 октябрь кунги суд ажримида Оллоёров “қўриқланадиган шахслар, йирик ишбилармонлар ва Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбариятига кириш имконига эга бўлган” шахслиги айтилган.

Оллоёровни яқиндан билган мулозим бу айбловни янглиш деб атади. Унга кўра ҳуқуқ-тартибот идораларининг раҳбар таркиби Шавкат Оллоёров ишлайдиган ресторанига келиб турган.

**10 га яқин киши гувоҳ сифатида чақиртирилди**

Мақолани ёзиш асносида ўнга яқин гувоҳ Бобомурод Абдуллаевнинг иши бўйича гувоҳ ўлароқ сўроқ қилиниб, қўйиб юборилгани маълум бўлди. (Уларнинг исмлари “Озодлик” радиосида мавжуд) Улар ҳам Бобомурод Абдуллаев-Усмон Ҳақназаровга маълумот етказиб бериш борасида сўроққа Бобомурод Абдуллаевнинг онасига ўғли билан учрашишга рухсат берилмади



“Озодлик” радиоси МХХ ертўласида қолаётган журналист Бобомурод Абдуллаевнинг хотини Катя Балхибоева билан, унинг телефони кун давомида ўчиқ бўлгани учун, боғлана олмади. Лекин жума, 6 октябрь куни Хоразмдан Тошкентга келган Бобомуроднинг онасига ўғли билан учрашишга рухсат берилмаган. Ўтган ҳафта Катя Балхибоева МХХ терговчиси подполковник Нодир Тўракулов тарафидан “матбуотга гапирмаслик” ҳақида “тавсия” олганлигини ҳуқуқ ҳимоячиларига айтган эди. Ўзбекистон Мустақил ҳуқуқ ҳимоячилари ташаббус гуруҳи раҳбари Суръат Икромов Бобомурод Абдуллаев ушланганидан буён унинг аҳволи ҳақида бирор маълумот йўқлигини билдирди:

– Буни билишнинг йўли маҳбуснинг олдида мустақил адвокатни қўйишдир. Лекин булар Бобомуроднинг яқинларига мустақил адвокат ёллашига босим орқали йўл бермаяпти. Ишни олиши мумкин адвокатларга лицензиядан ажрайсан, деб таҳдид қиладаяпти. Давлат томонидан тайинланган адвокатнинг ҳеч иш қилмаслиги ҳаммага маълум. Шунинг учун тергов қандай бораётгани, Бобомуроднинг ҳозирги аҳволи ҳақида умуман маълумот йўқ, - деган эди Икромов ўтган ҳафтада.

Ҳуқуқ фаоли, Абдуллаев ишининг бу қадар ёпиқлиги Ўзбекистон қонунчилиги ҳамда халқаро стандартларга мутлақ зидлигини таъкидлайди:

– Бу “159 лар” билан доим шунақа бўлиб келган. Аммо Бобомурод Абдуллаев иши шов-шув бўлгани, унга эътибор кучлилигидан келиб чиқиб, МХХ терговда унинг оиласи ёллаган адвокат қатнашишига рухсат берса керак, деб ўйлагандим. Аммо бундай бўлмади. Терговнинг бу қадар ёпиқ, адвокатсиз ўтказилиши Ўзбекистон Жиноят-процессуал кодексига мутлақ зиддир, деган эди ҳуқуқ фаоли ўтган ҳафтада.

**ЎХХ хабарлар бўлими**

**(Суҳбат – исм ва лавозими махфий қолиш шарти билан – унинг розилиги билан чоп этиляпти)**

**СУҲБАТДОШИМ:** Ассалому алайкум, Ака! Мантушинмай қоламан гоҳида баъзи тарафдорларингизга. Айрим ёзувларига ҳам. Дипломатияни унутишади, ақл билан, узоқни кўзламай бир нималар қилмоқчи бўлишади. Бу ер Ўзбекистон, кўтармайди бунақа ишларни, Европа деб ўйлашади, шекилли. Ёзганларида ҳам ИКни “чўтир”лигини айтишлари шарт эмас, сухой, информация шаклида езишмайди, 25 йил “отам”лаб келган одамлар ҳазм қилиши қийинда, буни ҳисобга олиб, секин айтиш керак деб ўйлайман, ўзбекона қилиб, “болам”, отанг ёмон одам эмас, аммо мана бунақа ифлосликлар қилган”, деб тушунтириш керак.

Фикримни англата олмаяпман тўлиқ, кечирасиз. Чунки одамлар уни “фаришта” деб, “Аллоҳнинг тухфаси” юрт учун, деб ўйлаган, миясига куйилган бу.

Энди, аста секинлик билан билаяпти ундай эмаслигини. Чиқиб уни (Каримовни) ҳақорат қилган билан бир натижага эришиб бўлмайди, исбот-далиллар билан билдириш керак кимнинг ким эканини. Лекин бизнинг халқ ҳеч қачон бирлашмайди. Бир бирининг гўштини еб ўтади. Қотиб қолган миялар кўп. Бугуни ўтса бўлди, қорни тўйса бўлди, унга ҳеч ким тегмаса, у ҳеч кимга тегмаса...

Ака, Бобомурод Абдулла ҳақидаги ёзганларингизни ўқиб бораяпман, ҳис этаяпман сиздан ўтаётганларни.

Сиқилманг ака, оддий тергов-сўроқ бўляпти, шахсан биринчи раҳбарнинг назоратида. Жамоатчилик назарида ва биринчининг назоратидаги ишда унақа қийноқлар қўлланилмайди.

**МЕН:** Илк айбнома бошдан оёқ ёлғондан иборат. Ҳамда очиқ ва ҳаёсиз ёлғон. Бобомурод Абдулла Каримовга қарши эди, аммо уни “Жорий президент”га ҳам қарши қилиб кўрсатишга уринапти бу ишни бошлаган МХХ: Бунга Президент ишоняптими? Унинг ўзи матбуотга ёпиқ мажлисда журналистларга Усмон Ҳакназар (Бобомурод Абдулла) ни намуна қилиб кўрсатгандику яқиндагина? Бу мажлисдан кейин Ўзбекистондаги учта вебсайт Усмон Ҳакназарнинг шу президент имо қилган мақоласини босди. Бу мақола Каримов режимининг ашаддий душмани бўлган бу публицистнинг ватан матбуотида босилган илк мақоласи эди. Шундан кейин ҳам унга “Жорий Президент”га қарши инқилоб қилмоқчи эди, деб айб қўйиш бу айбловни “Жорий

президент”га қабул қилдириш мумкинми? Президент бу Ҳакназаров (Абдуллаев) воқеасининг ўз имижига катта зарар бераётганини кўрмаяптими, кўрса бу ҳақсизликни тўхтатишга нима тўсиқ бўляпти? Бу муаллақлик сабаби сизнингча нимада?

**СУҲБАТДОШИМ:** Тўғриси айтсам, ака, мен ҳам буни тушунаолмаяпман, демак, бир сабаби бор бу жимликнинг. Сабр қилайлик озгина, адолат



## МАРКАЗИЙ ИДОРЛАРДАН БИРИДА ИШЛОВЧИ ПРЕЗИДЕНТ МИРЗИЁЕВ ТАРАФДОРИ БИР МУЛОЗИМ УКАМИЗ БИЛАН СУҲБАТ

тикланади деб умид қилаяпмиз биз ҳам. Кўпчилик кўриб турибди ҳақиқатни.

Умид менда сўнмаган. Анови бечора 2 та информация берган одамга ҳам ачинаяпман тўғриси.

**МЕН:** Уларнинг ҳам масаласини байналминал миқёсга ташиш учун ҳаракат қиламиз иншаАллоҳ. Чунки уларнинг бир айби йўқ. Ҳакназаровнинг ёзган мақолалари бутун дунёда, ҳатто бизнинг Ўзбек Конституциясида ҳам сўз эркинлиги доирасига киради ва бир сўз ўлароқ бу жиноят унсури булаолмайди. Шундай экан, “Ҳакназаров мақоласига манба бўлди” деб айбномда номлари кўрсатилган Ровшан Салаев ва Шавкат Оллоёровларни жиноятчи сифатида ҳибсга олиш ҳар қандай қонунга зиддир.

**СУҲБАТДОШИМ:** Ака, мамлакатнинг муаммолари ҳақида Шавкат Мирзиёевнинг фикрлари билан Усмон Ҳакназаровники деярли бир хил. Фақат бу ёқдагилар жим туришга мажбур, ўз тинчлигини ўйлаб, лекин кўриб билиб туришибди. Ақлим етмаяпти баъзан... Лекин умидим сўнгани йўқ. Яхшиликка. Айбсиз бўлса қўйиб юборди, Шавкат Мирзиёев адолатли инсон, бунга шубҳам йўқ, “семиз” нима деса ишониб кетаверадиган авом эмас у. Ҳақиқатан ҳам, ҳалиги боғбон ва менежер, ўлар ҳам гумонланувчи шекилли, кўпроқ 3 кишилик давлат тўнтарувига уриниш (кулгили аслида) буни қаердан уйдирди “семиз”, ақлга сиғмайди!?

**МЕН:** Тўғри айтасиз, “Инқилоб” айбномадаги энг комиқ ёлғон. Айбномада айтилгандай молия бўлса, бош инқилобчи Бобомурод алмисокдан қолган машинада

таксичилик қилармиди? Қани молия? Бирор доллар топишганми уйдан? Ёки бирорта қурол топишганми давлат тўнтариши қилиш учун? Халқни ахмоқ деб билишади бу ахмоқлар!

**СУҲБАТДОШИМ:** Ҳа, Унинг қуроли фақат ҳақиқат, Сўз бўлган, сўзи ҳам мазмунан Шавкат Мирзиёевники билан бир хил, демак, Мирзиёев ҳам “тўнтариш” қилибди-да! Саройдаги ҳамма билади, Президентимиз ўзи ҳам вақт ажратиб киради интернетга. Шахсан ўзи ўқийди. Хориж матбуотида, ва ўзимизда унинг сиёсати ҳақида бўлаётган гапларни, фикр – мулоҳазаларни ўқиб таҳлил қиладиган ва етказадиган бўлим, гуруҳ ўзининг ишочли одамлари, кундалик етказиб туради. Хавотир олманг Бобомурод соғ омон чиқади ва кун келиб қаҳрамонга айланади, сизга сабр тилайман.

**МЕН:** Мен учун у 14 йилдан бери қаҳрамон зотан. 14 йил давомида яширин, уйдаги яқинларидан ҳам яширин моддий ва руҳий босим остида халқ озодлиги учун жонини жабборга бериб курашган бир қаҳромон.

У мақолаларини хотини уйдан чиқиб кетганда яширин ёзарди. Ва бу таҳликали меҳнати учун ҳеч қачон пул сўрамасди. Табиий, имконимиз бўлганда унга оз-оз ёрдам бериб турардик, фақат бу оиласига етадиган даражада ёрдам эмас эди. Шу ҳолида ҳам унинг ўзи ҳеч қачон “шу меҳнатим учун пул беринг” деб сўрамаган. Ғурурли бир инсон. Баъзан сўраса ҳам, қарз сўраган. Эски машинасида таксичлик қилиб оиласига нон топарди.

(Суҳбат шу ерда узилди)  
**Муҳаммад Солиҳ**



билан танкидий мақолалар ёзган Ақром Малик тутқунликдан қанча тез озод бўлишса, шунча яхши. Президентимиз бу ишга шахсан аралашшини ва муаммони ижобий ҳал этишини орзу қиламан”.

Спорт журналисти сифатида танилган журналист Бобомурод Абдуллаев “ҳокимиятни босиб олишда гумон қилинмоқда”

Ҳуқуқ химоячиси Суръат Икромовнинг айтишича, шахсий адвокат олишда журналистга ва унинг рафиқасига МХХ томонидан таҳдид ҳамда босимлар бўлган.

## Нуруллоқ Муҳаммад Рауфхон: “Бобомурод Абдуллаев ишига Мирзиёев аралашсин”

Би-Би-Си радиосининг хабар беришича, Ёзувчи Нуруллоқ Муҳаммад Рауфхон МХХ ҳибсхонасида қолаётган журналист Бобомурод Абдуллаев химоясига изоҳ ёзган. У амалдорларга қаратилган танкид давлатга қаратилган, дея ҳисобланмаслик кераклигини таъкидлади. Адиб ушбу ишга Президент Мирзиёев аралашини кераклигини айтди.

Тошкент аэропортида ҳибсга олинган ва жамоатчилик ҳамда халқаро ташкилотлар босими ортидан Тоштурмадан чиқарилган Нуруллоқ Муҳаммад Рауфхон Facebook даги саҳифасида журналист Бобомурод Абдуллаев ишига Президент Мирзиёев аралашини керак, деган.

“Усмон Ҳақназаров” ахборот оламида ўзидан-ўзи пайдо бўлиб қолмаган. У эркин сўз айтиш ҳуқуқи чекланган ёпиқ жамият мевасидир. Танкидга очик, сўз эркинлиги кафолатланган жамиятларда ҳар ким ўз фикрини ўз исми билан қўрқмасдан билдираверади. Бобомурод Абдулла – “Усмон Ҳақназаров” мақолалари учун ҳибс этилишини ҳуқуқ нуқтаи назаридан хато деб биламан”, деб ёзади у.

Адибга кўра, журналист Бобомурод Абдуллаев Конституция берган ҳуқуқидан фойдаланиб айрим амалдорларни ҳамда ўзи қинғир деб билган ишларни ўткир танкид қилиб келган.

Танкидга учраган шахс ёки ташкилот агар журналистнинг фикрини ҳақсиз, ёлғон ё тухмат деб ҳисобласа, бундай ҳолда энг оқилона йўл – ўз шаъни химояси учун маҳкамага арз қилиши лозим эди. Маҳкама ишни ҳолис, пухта ўрганиб, иккала томоннинг

конституцион ҳуқуқига риоя этган ҳолда ажрим чиқарар эди.

“Бобомурод Абдулла – “Усмон Ҳақназаров” ҳолатида нима бўляпти?

1. Амалдор ўзини халқ хизматидаги бир шахс деб эмас, нақ давлатнинг ўзи деб ҳисобляпти.

2. Натижада шахсига ва ишларига қаратилган танкидни “давлатга қарши ҳаракат” деб баҳоляпти.

3. Танкидга учраган томон ўзини ҳақ деб билса, ҳақлигини қонун йўли билан исботламасдан – маҳкамага мурожаат этмасдан, давлатнинг қудратидан фойдаланиб танкид қилувчини ҳибсга оляпти. Булар катодир”, – дейди Нуруллоқ Муҳаммад Рауфхон.

“Фитна чиқаришга уриниш” айблови ҳам ҳар томонга тортса бўлаверадиган мавҳум, ҳуқуқ жиҳатидан анча хом моддадир. Кўйиб берса, бунга кўра ҳар қандай танкидни фитнага йўйса бўлаверади. Бунақада амалдорнинг катта жиноятларини кўриб туриб ҳам ғиқ этиб бўлмай қолади. Халқ назорат этиб турмаса амалдор тез айниди.

Фикрнинг ўзи ҳали фитна эмас. Салбий ҳаракат келтириб чиқарсагина уни фитна деб баҳоласа бўлади. Унгача фикрга қарши фикр билан курашилади”.

Ёзувчи Ўзбекистон Конституциясида ҳамда Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги Қонунда белгиланган сўз эркинлиги ҳурмат қилиниши лозимлигини урғулаган. У Бобомурод Абдулла билан бир қаторда Ақром Малик исми блоггер ҳам озод қилиниши кераклигини айтган.

“Бобомурод Абдулла, шунингдек “Абдуллоқ Нусрат” таҳаллуси

### “Уч босқичли инқилоб режаси”

Маҳкама қарориди айтилишича, Абдуллаев бу шахслардан “олинган маълумотлар ва Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий вазиятни таҳлил қилган ҳолда Муҳаммад Солихнинг кўрсатмаси билан Ўзбекистонда инқилоб қилиш ва Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ағдаришга қаратилган режа”ни ишлаб чиққан.

Терговнинг даъво қилишича, “Йиғим-терим” (“Жатва”) номи берилган “лойиҳа”га мувофиқ, уч босқичда Ўзбекистоннинг амалдаги конституциявий тузумини ағдариш режаланган. Унда Ўзбекистон ҳукуматидаги “муҳим” мансабдор шахслар (МХХ, ИИБ ва Мудофаа вазирлиги) ва кенг халқ оммасини жалб этиш, шунингдек, шаҳар ва вилоят миқёсида (Тошкент, Фарғона, Навоий, Урганч) ҳарбий ҳаракатларни ўтказиш режалангани даъво қилинади.

Суд аниқловига кўра, режага республиканинг турли вазирлик ва идоралари раҳбарларининг яшаш жойлари схемалари ва суратлари, шунингдек, уларни қўлга олиш учун зарур бўлган одамлар сони ҳамда кетадиган харажатларнинг сметалари ҳам илова қилинган.

Суд Бобомурод Абдуллаев содир этишда гумонланаётган жиноятни “ўта оғир” дея малакалаган.

**УХХ хабарлар бўлими**

<p><b>“ERKIN YURT”</b> интернет-газетаси Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий нашри www.uzxalqharakati.com/erkinyurt Муҳаррир: Нурбек Саломов</p>
------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------